БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 191 (17.473). • 21 август 1979 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ ВЛАДИМИР АФАНАСЬЕВИЧ ЛЯХОВ БИЛАН ВАЛЕРИЙ ВИКТОРОВИЧ РЮМИН КОСМИК ФАЗОДА ТАРИХДА ЭНГ УЗОҚ ДАВОМ ЭТГАН 175 СУТКАЛИК УЧИШНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАДИЛАР.

ВАТАН КОСМОС ҚАҲРАМОНЛАРИНИ ШАРАФЛАМОҚДА!

«Салют-6»—«Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг космосда узоқ вақт учишини тайёрлаш ва амалга оширишда қатнашган олимларга, конструкторларга, инженерларга, техниклар ва ишчиларга, барча коллективлар ҳамда ташкилотларга

Космонавтлар Владимир Афанасьевич ЛЯХОВга, Валерий Викторович РЮМИНга

Азиз ўртоқлар!

Ватанимиз фани ва техникаси космосни тадқиқ этиш ва ўзлаштиришда янги улкан муваффақиятга эришди. Совет космонавтлари Владимир Афанасьевич Ляхов билан Валерий Викторович Рюмин космик фазода тарихда энг узоқ давом этган 175 суткалик учишни муваффақиятли тугалладилар.

Совет космонавтларининг узоқ вақт учиши, уларнинг Ер атрофи орбитасидаги қаҳрамонона меҳнати бутун дунёдаги миллион-миллион кишиларнинг зўр қизиқиши ва доимий эътиборига сазовор бўлди. «Салют-6» — «Союз» илмий-тадқиқот комплекси ичида илмий-техникавий ва медицина-биологик тадқиқотларнинг кенг программаси бажарилди, жумладан, астрофизика кузатувлари, космик материалшунослиққа оид эксперименталр ўтказилди, биология объектларининг вазнсизлик шароитидаги ривожланиши ўрганилди, Ернинг табиий ресурслари тадқиқ этилди, космик аппаратларнинг янги асбоблари ва системалари синаб кўрилди. Космонавтлар Ляхов билан Рюмин очиқ космоса чиқдилар ва мураккаб шароитларда радиотелескоп антеннасини станциядан ажратиб юбориш ва илмий аппаратларни ажратиб олиш ишларини бажардилар. Узоқ давом этган учиш даврида амалга оширилган бир қанча экспериментларни Совет Иттифоқи олимлари билан «Интеркосмос» программасида қатнашувчи социалистик мамлакатларнинг олимлари, шунингдек Франция олимлари тайёрладилар.

«Салют-6» орбитал илмий станцияси салкам икки йиллан бери космосда учиб юрибди, унинг олам бошқарадиган режимда ишлаш вақти ҳаммаси бўлиб бир йилдан ошди. Шу давр мобайнида станция ичида космонавтларнинг узоқ давом этган учта асосий экспедицияси ишлади ва тўртта экспедиция унга бориб келди.

«Интеркосмос» программасига мувофиқ, Чехословакия Социалистик Республикасининг, Польша Халқ Республикасининг, Германия Демократик Республикасининг ва Болгария Халқ Республикасининг космонавтлари совет космонавтлари билан бирга учдилар, бу эса қардош социалистик мамлакатлар самарали илмий ҳамкорлигининг яққол далилидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети совет космонавтикасининг янги катта муваффақиятини зўр мамнуният билан қайд этадилар.

Владимир Афанасьевич Ляхов ва Валерий Викторович Рюмин, сизларни узоқ давом этган космик учишни муваффақиятли бажарганлигингиз билан сидқидилдан табриклаймиз.

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида тарихда энг узоқ давом этган олам бошқарадиган учишни амалга оширишда, шунингдек «Союз» космик транспорт кемаларини ҳамда «Прогресс» автомат юк кемаларини тайёрлашда, учиришда ва уларнинг парвозини ўтказишда қатнашган олимларни, конструкторларни, инженерларни, техниклар, ишчиларни, космодром, учишни бошқариш маркази, космонавтлар тайёрлаш маркази, команда-ўлчов ва қидирув-қутқарув комплексларининг мутахассисларини, барча коллективлар ва ташкилотларни қизғин табриклаймиз.

Азиз ўртоқлар! Совет космонавтикасининг янги улкан ютуғи сизларнинг Совет Ватани бахт-саодати йўлидаги фидокорона меҳнатингиз натижасидир. Совет космонавтларининг узоқ давом этган экспедицисини муваффақиятли амалга ошириш билан мамлакат фани ва халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатлари йўлида космик фазони тадқиқ этишнинг КПСС XXV съезди белгилаб берган муҳим вазифаларини ҳал этишга катта ҳисса қўшилди. Бутун инсониятнинг бахт-саодати учун тинчлик ва тараққиёт йўлида космосни ўзлаштиришда сизларга янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ • СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ • СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СОВЕТ КОСМОНАВТИКАСИНИНГ ЯНГИ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТИ

ТАСС АХБОРОТИ

Совет фани ва техникаси космик фазони тадқиқ этиш ҳамда ўзлаштиришда янги улкан муваффақиятга эришди. Одам бошқарадиган ва тарихда энг узоқ давом этган 175 суткалик космик учиш муваффақиятли тугалланди.

Космонавтлар Владимир Афанасьевич Ляхов ва Валерий Викторович Рюмин ўртоқлар «Салют-6» — «Союз» орбитал комплекси ичида илмий-техникавий тадқиқотлар ва эксперименталрнинг мураккаб ҳамда тиғиз программасини бажариб бўлганларидан кейин 1979 йил 19 август куни Москва вақти билан соат 15 дан 30 минут ўтганда Ерга қайтиб тушдилар. «Союз-34» кемасининг туширилувчи аппарати Жезқазғон шаҳридан 170 километр жануби-шарқда ерга қўнди.

Космонавтлар ерга қўнган жойда ўтказилган дастлабки медицина кузатуви уларнинг узоқ давом этган орбитал учишни яхши ўтказганликларини кўрсатди.

В. А. Ляхов ва В. В. Рюмин ўртоқлар космик учишни 1979 йил 25 февраль куни «Союз-32» кемасида бошлаган эдилар. 26 февралда кема «Салют-6» станцияси билан туташтирилди ва экипаж орбитал комплекс ичида ишлашга киришди. «Салют-6» станциясининг актив ишлаш муддатини узайтириш учун космонавтлар каттагина ҳажмдаги ремонт-профилактика тадбирларини бажардилар. Жумладан, станциянинг бирлашган двигатель қурилмаси иши билан шуғулланилди ҳамда станция системалари ва илмий аппаратларининг айрим блоклари алмаштирилди.

Узоқ вақт учиш давомида станцияга «Прогресс-5» «Прогресс-6» ва «Прогресс-7» юк транспорт кемалари, шунингдек учувчисиз «Союз-34» кемаси ёқилғи, асбоб-ускуналар, аппаратлар, космонавтларнинг ҳаётини таъминлаш ҳамда илмий тадқиқотлар ва эксперименталр ўтказиш учун ишлатиладиган материалларни элтиб берди. Экипажни станцияга чиқариб қўйган «Союз-32» космик кемаси 1979 йил 13 июнда Ерга қайтариб туширилди. Шу кеманинг туширилувчи аппаратида космонавтлар ўтказган тадқиқотларнинг натижалари акс эттирилган материаллар бор эди.

175 суткалик учиш вактида экипаж илмий-техникавий ва медицина-биологик тадқиқотлар ҳамда экспериментларнинг кенг программасини бажарди. Космонавтлар В. А. Ляхов билан В. В. Рюмин ўртоқлар Ер юзасини оддий кўз билан мунтазам равишда кузатиб турдилар ва фотосуратга олдилар. Станциядаги фотоаппаратлар ҳамда болгар мутахассислари ясаган «Спектр» ва «Дуга» асбоблари ёрдамида Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф муҳитни ўрганиш мақсадида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

Экипаж орбитада биринчи марта «Прогресс-7» кемасида станцияга келтирилган КРТ-10 космик радиотелескопни монтаж қилди, унинг ёрдамида фан ва халқ хўжалиги манфаатлари йўлида бир қатор астрофизика ва геофизика тадқиқотлари ўтказилди.

Космик материалшунослик программасига биноан орбитал комплекс ичида вазнсизлик ҳолатида ярим ўтказгичли материалларнинг монокристалларини, металл қотишмалар ва бирикмаларни ҳосил қилишга доир 50 тадан ортиқ эксперимент бажарилди. Космик вакуум ва вазнсизлик шароитларида буғлатиш ва сўнгра конденсациялаш усулида металл қоплама туширишга оид эксперименталр муваффақиятли ўтказилди. СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик программасига мувофиқ экипаж француз томони тақдим этган материаллар билан бир қанча технология экспериментларини бажарди.

Истиқболдаги орбитал станцияларда ва космик кемаларда қўлланиладиган янги системалар ва асбобларни такомиллаштиришга доир техник эксперименталр ўтказилганлиги учиш программасининг муҳим қисми бўлди. Космик учишлар практикасида биринчи марта икки томонлама телевизион алоқа системаси ишга солинди ва ундан кенг фойдаланилди.

Учиш давомида космик учиш омилларининг инсон организмига таъсири тўғрисида янги муҳим маълумотлар олинди, бу маълумотлар узоқ вақт давомидаги вазнсизлик шароитида актив ишлаш мумкинлигини кўрсатди. Профилактика мақсадида ўтказилган медицина тадбирлари комплекси В. А. Ляхов билан В. В. Рюминнинг юксак иш қобилиятини ва яхши сиҳат-саломатлик ҳолатини давом эттириш имконини берди.

Станция ичида вазнсизлик ва сунъий гравитация шароитида биология объектларининг ривожланишини ўрганишга оид тадқиқотлар давом эттирилди.

Учишнинг якунловчи босқичида экипаж космик радиотелескопнинг станциядан бутунлай ажралиб кетган антеннасини бўшатиб юбориш мақсадида очиқ космосга чиқиш вазифасини бажарди ва шу тариқа орбитал станцияни белгиланган учиш программасига мувофиқ бундан буён ҳам ишлатишни таъминлади. Бундан ташқари космонавтлар станциянинг сиртқи юзасини кўздан кечирдилар, ташқарига ўрнатилган илмий аппаратларни ва узоқ вақтдан бери очиқ космик фазода турган турли конструкцион материалларнинг намуналарини ажратиб олдилар.

«Салют-6» илмий станцияси салкам икки йилдан бери космосда ишлаб келмоқда, унинг ичида космонавтлар бир йилдан кўпроқ вақт тадқиқотлар бажаришди. Еттита «Прогресс» юк транспорт кемасининг мунтазам рейслари орбитал станцияни зарур материаллар билан, алмаштириладиган асбоб-ускуналар блоклари, аппаратлар ва ёқилғи билан узлуксиз таъминлади. Ҳозирги вактда «Салют-6» орбитал станцияси автомат режимда учишни давом эттирмоқда.

Социалистик мамлакатлар ҳамкорлигининг «Интеркосмос» программаси доирасида 1978—1979 йилларда Чехословакия Социалистик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси ва Болгария Халқ Республикасининг гражданлари совет космонавтлари билан бирга учдилар.

«Салют-6» станциясидаги узоқ давом этган учишни экспедиция ишларининг программаси муваффақиятли бажарилганлиги кўпгина илмий, конструкторлик ва ишлаб чиқариш коллективлари, экипаж, космодром, Учишни бошқариш маркази, команда-ўлчов ва қидирув-қутқарув комплексларининг мутахассислари аҳиллик билан пухта ишлаганлигининг натижаси бўлди.

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг космонавтика тарихида энг узоқ вақт давом этган учиши узоқ муддат учадиган ва одам бошқарадиган илмий станцияларни янада такомиллаштириш йўлидаги янги муҳим қадамдир. Учиш вақтида ўтказилган тадқиқот ва экспериментлардан олинган натижалар Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар фани ва халқ хўжалиги соҳасида кенг миқёсда қўлланилади.

Суратда: космонавтлар Владимир Ляхов (юқорида) ва Валерий Рюмин. ТАСС фотоси.

СОВЕТ КИШИЛАРИ КОСМОСДАГИ АЖОЙИБ ҒАЛАБАДАН ФАХРЛАНМОҚДАЛАР

ЖАСОРАТ

Совет космонавтикаси тарихида қаҳрамонона саҳифалар жуда кўп. Аммо, она-Ватанимизнинг мард ўғлонлари: Владимир Ляхов билан Валерий Рюминлар беқиёс фазода 175 кун бўлганликларининг ўзи ҳар қандай таҳсиндан юқоридир. Улар салкам ярим йил мобайнида зиммаларига юклатилган жуда катта ҳажмдаги ишларни, мураккаб тадқиқотларни бажардилар, очиқ космосга чиқиб ишладилар. Булар — жасорат эмасми?!

Космонавтлар В. Ляхов ва В. Рюминларнинг эсон-омон она Ерга қайтиб тушганликларидан шоллигимиз чексиз. Уларнинг парвози совет кишиси матонатининг қатъийлигини. Ватан фани ва техникасининг юксак даражага кўтарилганлигини яна бир бор намойиш килди. Биз, ишчилар «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг парвози муваффақиятли тугаганлиги билан учишга даҳлдор бўлган барча кишиларни қизғин қутлар эканмиз, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ортиғи билан бажаришга, она-Ватан қудратини янада мустаҳкамлаш учун бутун куч-ғайратимизни бағишлашга сўз берамиз.

С. НИШОНОВ,
Қувасой цемент комбинати ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Советлар диёрининг икки баҳодир фарзанди Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин 175 кун космик фазода учиб, тарихда мисли кўрилмаган қаҳрамонлик кўрсатдилар. Улар ўз вазифаларини муваффақиятли бажариб, эсон-омон она Еримизга қўндилар. Колхозимиз аъзолари космонавтларни эришилган ғоятда улкан ғалаба билан чин кўнгиллан табриклайдилар, янги зафарлар тилайдилар.

Совет фани ва техникаси, олим ва конструкторлари космик фазони тадқиқ этишда жаҳон афкор оммасини қойил қолдирадиган ғалабага эришди. Биз, пахтакорлар космонавтларнинг космосдаги фаолиятини ҳар куни газеталардан ўқиб, радиодан эшитиб, телевизорда кўриб бордик. Баҳодирларимиз бутун ер курраси қойил қолдирдилар. Космонавтларга пишиқ ва мукаммал машиналар яратиб берган кишиларга ҳам раҳматлар айтамиз.

Пахтакорларимиз далаларда астойдил меҳнат қилиб, «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Улар зарҳ дорчасига меҳнат қилиб, пахта тайёрлашда космонавтлар каби ғалабага эришадилар. Шу кунларда ҳосилга ҳосил кўшиш, йиғим-теримга тайёргарлик ишларини кучайтирмоқдалар.

А. ЭРГАШЕВ.
Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози раиси.

Ватаннинг қудратини мустаҳкамлайлик

Барча совет кишилари каби хўжалигимиз пахтакорларининг қалблари ҳам Ер атрофи орбитасида энг узоқ вақт учган совет космонавтлари Владимир Ляхов ва Валерий Рюминнинг буюк ютуқларидан қувончга тўлиб тошмоқда. Биз космосни забт этувчиларнинг муваффақиятлари билан фахрланамиз. Улар орбитал станцияда ишлаб тадқиқот ва экспериментларнинг катта ҳажмини бажардилар. Уларнинг қаҳрамонона учиши — Ватан бахт-саодати йўлидаги фидокорона меҳнат намунасидир.

Бизнинг колхозимиз дунёда биринчи космонавт аёл Валентина Николаева-Терешкова номига қўйилган. Биз бу билан фахрланамиз ва космосни шонли забт этганларга муносиб равишда ишлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнинг бригадамиз бу йил гектар бошига энг юқори ҳосил — 50 центнер пахта олиш учун курашмоқда. Мажбуриятни шараф билан бажаришга ва шу билан умумий ишга — совет мамлакати қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз.

Х. САИДҒОЗИЕВ,
Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Николаева-Терешкова номли колхоз бригадири.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ ЎРТОҚ В. А. ЛЯХОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ давом этган космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт-учувчи ўртоқ Владимир Афанасьевич **Ляховга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин ва **Ленин** ордени ҳамда **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1979 йил 19 август.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ В. В. РЮМИНГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ давом этган космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Валерий Викторович **Рюминга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилсин ва **Ленин** ордени ҳамда **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1979 йил 19 август.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ В. А. ЛЯХОВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни амалга оширганлиги учун ўртоқ Владимир Афанасьевич **Ляховга «СССР космонавт-учувчиси»** унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1979 йил 19 август.

ХУДОЙБЕРГАН ДЕВОНОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети таниқли кинооператор Худойберган Девонов туғилганига 1979 йилнинг сентябрида 100 йил тўлиши муносабати билан ҳамда унинг ўзбек совет кино санъатини вужудга келиши, қарор топишидаги катта хизматларини назарда тутиб, шу йилнинг августида Х. Девонов туғилган кунинг 100 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитети ва Ўзбекистон кинематографчилар союзига Х. Девонов суратга олган киноленталар кўрсатилишини ташкил қилиш, Хоразм область ижроия комитетига эса юбиляр яшаган уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети Х. Девоновнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида китоб чоп этади.

(ЎзТАГ).

«ПРОТОНЛАР» ЕР ОҒУШИДА

ЖЕЗҚАЗҒОН, 19 август. (ТАСС махсус мухбирлари Н. Железнов ва А. Тишлер). Кончилар ва ғаллакорлар шаҳри тарихда энг узоқ давом этган космик учиш қаҳрамонларини ерда кутиб олишга эрталабданоқ ҳозирлик кўра бошладилар, Жезқазғон аҳолиси космосдан қайтиб келаётган ер вакилларини биринчи марта кутиб олишаётгани йўқ. Иккита катта нон сочиққа аваллаб ўраб қўйилган, қаҳрамонларни шаҳар фахрий гражданларининг ленталари кутмоқда.

Вездеходлар белгиланган район томон юра бошлади, оператив қидирув группаси, медицина ёрдами курсатиш отрядлари парвоза шай бўлиб турибдилар. Қўниш штабига келган космонавтлар тайёрлаш маркази бошлиғининг ўринбосари А. Леонов учишни бошқариш маркази билан доимий алоқа боглаб турибди, экипажнинг тушишга тайёргарлик ишларини кузатиб космонавтларга обҳаво маълумотини айтиб турибди.

Қўниш районидаги картада икки қизил доирачани кўрамиз. Бири кончиларнинг Қоражол шаҳри районида, иккинчиси эса ундан сал жануброқда. Биз учиш баллистикаси тақозо этган дастлабки вариантдан воз кечиб, аҳоли яшайдиган районга тушмаслик учун орбитани тўғрилаб қўйдик, дейди А. Леонов.

Жезқазғон аэропортининг бетон полосасида турган вертолётларнинг парраги айлана бошлади. Қўниш жойига учиб кетмоқдамиз. Пастда бепоён дашт ястаниб ётибди. Қизил тус кўпроқ учрайди, бу темир оксидининг ранги дир. Лекин узоқ давом этган сўнгги уч экспедиция учун космик гавань бўлиб қолган бу ўлкага темир конлар эмас, балки мис рудалари шуҳрат келтиради. Олисда, рудага бой шу ясси тоғликнинг шимоли-шарқий чеккасида ер узра сигил чанг тўзон оҳиста кўтарилмоқда. Жезқазғон қўрғиғида ҳосил ўрим-йиғими айни қизиган палла.

Мўлжалдаги вақтгача 15 минут қолди, биз эса қўниш нуқтасида, қуриб қолган шўр кўлнинг қирғоғида жойлашган радиостанция ёнида турибмиз. Бошимиз узра мусаффо осмон. Алоқачилар асосий парашютнинг гумбази очилгунга қадар ер сари учиб келаётган кемани кўриш умидида осмонга қарашмоқда. Лекин шу пайтгача ҳали ҳеч ким шундай кемани кўришга муваффақ бўлмаган. Ҳатто майдони 1000 квадрат метрга борадиган гумбаз ҳам ердан қараганда ҳаво шарчасидек бўлиб кўринади. Биз уни тикка келганда кўрдик.

— Мерганларча қўнишмоқда, — деди вертолёт командири В. Кривоносов, — «Протонлар» бизнинг антеннамиз ёнига келиб тушган бўлур эди, лекин шамол секундига 5—6 метр тезлик билан эсмоқда. Чамаси ўн беш километр нарига бориб қўнишади.

Худди шундай бўлиб чиқди. Қуёшда тобланиб турган заргалдоқ гумбаз пастга тушаётганлигини вертолёт иллюминаторларидан кузатиб турибмиз. Гумбаз тагида даштнинг сарғиш ранги фонида туширилувчи аппаратнинг шари қорайиб кўринади. Мана, унинг соясн ҳам кўринди қолди. Ергача 100 метр, 50 метр қолди. Кема ўз соясига етган лаҳзадаёқ унинг остидан чанг-тўзон кўтарилди. Шу пайт оҳиста қўниш двигателлари ишга туширилган эди. Ер «Протонлар»ни аваллаб кутиб олди.

— «Протонлар» аллақачон кемадан чиқиб креслоларда оёқларини узатиб ўтиришибди ва осмонга тик қараб туришибди. —Улар 175 кун мобайнида қоп-қора тун билан кўзни қамаштирадиган куннинг тез-тез алмашиб туришига кўникиб қолишган.

— Яқинда бизга матбуот конференциясида айтганингдек, бир депсинив ўз орзуингни бажо келтира оласанми? — деб сўрадик В. Рюминдан.

— Шундай қилишни жуда ҳам истаяпман, лекин врачлар буни тақиқлаб қўйишган.

Врачлар космонавтларни текширмоқдалар. Ҳамма объектив кўрсаткичлар нормал ҳолда. Экипаж соғ-саломат. Дарвоқе, буни биз врачларсиз ҳам кўриб турибмиз. Иккаласининг чеҳрасида табассум, ҳазил-мутойиба қилишмоқда. «Протонлар» аэропортдаёқ Жезқазғон ғаллакорларига ўзларининг космонавтлик раҳматини айтишган. Жезқазғон ғаллакорлари номидан уларнинг ҳар бирига биттадан катта нон ва атир гуллар тақдим этишган эди.

175 кунлик космик сафар қаҳрамонлари тушган самолёт Бойқўнғир космодроми томон йўл олди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ИШЧАНЛИК, ТАЛАБЧАНЛИК, ПРИНЦИПИАЛЛИК

Боёвут районидаги В. И. Ленин номли колхоз Карл Маркс номли участка партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши байрам тусини олди: пахтазорлар, боғ ва сабзавот пайкаллари, фермадан келган коммунистлар бир-бирларини қутлашар, рўйхатга олиш столи ёнида уларнинг кўксига Карл Маркс миннатюра портрети билан қизил бант қадаб қўйишарди. Давраларда қизғин суҳбат бошланарди.

Бу тантанавор руҳ, кўтаринки кайфият йиғилишда ҳам сезилиб турди. Ундаги ишчанлик вазиятини, ўзаро принципиал талабчанлик позициясини белгилаб берган ҳам шу кайфият бўлди. Партия бюросининг ҳисобот давридаги фаолияти, партия ташкилоти ҳаётидаги ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар, айрим коммунистларнинг ишга масъулиятсизлик билан қараш ҳоллари соф, холис, партиявий позицияда туриб, чуқур ва атрофлича таҳлил этиб чиқилди. Участка партия бюросининг секретари ўртоқ М. Шарипованинг ҳисобот докладида ҳам йиғилишда сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида ҳам шу руҳ рўй-рост сезилиб турди.

«Биз участкамизда пахтачиликни, чорвачилик ва боғдорчиликни, умуман, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини комплекс, бир маромда ривожлантириб бораётирмизми?», «Барча резерв ва имкониятларни ҳаракатга келтираётирмизми?», «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун мусобақада, турмушда ҳар бир коммунист ҳам ўзининг авангардлик ролини,ташаббускорлигини тўла намоён қилмоқдами?» Коммунистлар ана шу сингари саволлараг жавоб излаб, партия ташкилотининг ҳисобот давридаги бутун ишига, ўзларининг ана шу ишлардаги шахсий иштирокларига таниқидий назар ташлаб чиқишди. Бу нарса йиғилишда таниқид ва ўз-ўзини таниқидни авж олдириб юбориш учун асосий омилга айланди.

— Пахтачилик учун ғоят мураккаб бўлган ҳисобот даврида участкамиз коммунистлари, барча пахтакорлар матонат кўрсатиб меҳнат қилдилар, — деди участка партия бюросининг секретари М. Шарипова. — Шу туфайли ўтган йили 621 гектар майдонда ўртача ҳосилдорликни 37,2 центнерга етказишга муваффақ бўлдик. Бу йил 2520 тонналик хирмон кўтариш имконини яратиш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқдамиз.

Табийки, йиғилишда илғорлар, ташаббус кўрсатиб ишлаётган коммунистларнинг номи, уларнинг сифатини ошириш нисбатан қандай талаблар қўйилган?

— План — жадал иқтисодий ўсиш, ижтимоий меҳнат самарадорлигини тез ошириш юзасидан партия ўртага қўйган вазифаларни амалга оширишнинг асосий воситасидир. Планлаштиришнинг илмий савиясига, план ишининг сифатига нисбатан талабларнинг кучайиши, тўла равишда баланслаган, юксак самарали планларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш учун СССР Госплани, бошқа планлаштирувчи органлар, министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг роли ҳамда масъулияти кучайиши ана шундан келиб чиқади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳозирги миқёслари ва муттасил ўсиши шароитида фан-техника революцияси таъсири билан истиқболни билиш ва чамалашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Илмий-техникавий, демографик, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа жараёнларни олдиндан аниқ билиш ва уларни план ечимларида тўғри акс эттириш муҳимдир.

Перспектив ва жорий планлар системасини хўжаликни бошқаришда қўлланишнинг белгиланган тартиби ва беш йиллик план шу системанинг марказий бўғини, ўзаги бўлиб қолиши, бир томондан, давлат планларининг ролини мустаҳкамлайди, иккинчи томондан эса иқтисодий омилкорликни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни истеъмол манфаатларини кўзлаб қайта қуриш вазифаларини оператив ҳал этишда корхоналар ва бирлашмалар коллективларининг хўжалик соҳасидаги ташаббускорлигини, ижодкорлигини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Планлар системаси уларнинг узлуксиз ўзаро боғланишини, мақсадларнинг бирлигини бир план иккинчисининг давоми ва конкретлашувидан иборат бўлиб, бирбиридан келиб чиқишини билдиради. Узлуксиз планлаштириш формаси бўлмиш узоқ муддатли истиқбол режаларини ишлаб чиқишда илмий прогнозларнинг, фундаментал проблемаларни ҳар томонлама ишлаб чиқишнинг роли кескин ортади.

2000 йилгача фан-техника тараққиётининг комплекс программаси устидаги иш тажрибаси мана шуни тасдиқлаб турибди. Бу программани СССР Фанлар академияси, СССР Фан ва техника давлат комитети ва қурилиш ишлари давлат комитети мамлакатимизни 1990 йилгача иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўн биринчи беш йиллик планнинг энг катта проблемаларини ишлаб чиқишни асослашдаги муҳим бўғин сифатида тузиб чиқдилар.

— Қарорлар беш йиллик планга нисбатан қандай талаблар қўяди?

— Беш йиллик планда структура, пропорциялар, баланслилик масалалари, ресурсларни энг муҳим халқ хўжалик проблемаларини ҳал этишга жамлаш, иттифоқдош ва автоном республикаларни, территориал ишлаб чиқариш комплексларини, йирик шаҳарларни комплекс ривожлантиришнинг йирик илмий-техникавий проблемаларини амалга ошириш масалалари ҳал этилиши лозим.

Бу план (топшириқлари йилма-йил белгилаб қўйиладиган план) партия иқтисодий сиёсатининг узоқ муддатли истиқбол программаларига асос қилиб олинган стратегик мақсадлари ва вазифаларини рўёбга чиқаришнинг асосий шакли бўлиб қолади.

Беш йиллик даврга асосан маҳсулотнинг кўпгина турларини ишлаб чиқаришни янгилаш цикллари, фан-техника соҳасидаги муҳим проблемаларни ҳал этиш, йирик ишлаб чиқариш комплексларини вужудга келтириш вазифалари белгиланади. Шу билан бирга, мазкур план доирасида планларнинг конкрет техника-иқтисодий параметрлари ҳамда уларни амалга ошириш жараёнидаги ишлаб чиқариш алоқалари етарли равишда тўлиқ кўриниб туради.

Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, беш йиллик планда программалар, баланслар, кўрсаткичлар, иқтисодий нормативлар системасини чуқур, атрофлича асослаб бериш, резервларни вужудга келтириш туфайли бу план ишлаб чиқариш-хўжалик алоқаларини ташкил этишда, маҳсулот, хом ашё, материал, бутлаш буюмлари етказиб бериш тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузишда барқарор ва ғоят ишончли қурол бўлиб қолади.

Беш йилликнинг йиллари бўйича белгилаб қўйилган барқарор кўрсаткичлар ва иқтисодий нормативлар асосида корхоналар ичида ва улар ўртасида хўжалик ҳисобидаги муносабатлар ўрнатиш учунгина эмас, шу билан бирга, бу муносабатларни йирик ишлаб чиқариш-хўжалик комплекси бўлмиш тармоқда ҳам ривожлантириш имконияти туғилади, ишлаб чиқариш бирлашмалари бу комплекснинг бош бўғини бўлиб қолади.

— Беш йиллик планнинг янги роли муқобил планлаштиришнинг ва социалистик мусобақанинг самарадорлигини оширишга қандай таъсир ўтказади?

— Беш йиллик бошлангандан эътиборан кўрсаткичлари ошиб борувчи беш йиллик план бажарилишига баҳо бериш шу планларни ишлаб чиқиш сифатига нисбатан талабчанликни кучайтириш билан бирга, эришилган натижадан бошлаб планлаштириш проблемасини ҳал этади. Бу эса коллективларни планни барвақт бажариш учун қўшимча резервларни кидириб топишга ва шу резервлардан фойдаланишга чорлайди. Барқарор беш йиллик планлар халқ хўжалигини бошқаришдаги демократик негизларни ривожлантиришга, мусобақани, муқобил планлар тузишни янада юксалтиришга объектив жиҳатдан имконият яратади.

Меҳнат коллективларининг янги имкониятлари аввало шундан иборатки, энди йиллик планлар беш йиллик планнинг мазкур йил учун белгиланган топшириқлари ва иқтисодий нормативларига биноан беш йилликнинг бажарилишини таъминлайдиган тадбирларни конкретлаштириш ва ишлаб чиқиш заруратини ҳисобга олиб ишлаб чиқиладиган бўлади. Бу иш қуйидан—ишлаб чиқариш бирлашмалари ва ташкилотларининг ўзлари томонидан маҳсулот истеъмол қилувчилар билан тузилган шартномаларни, социалистик мусобақа ва муқобил планлаштириш туфайли очиладиган резервлар ҳамда имкониятларни ҳисобга олиб бажарилади.

Йиллик планларни ишлаб чиқишда — кўрсаткичлар беш йилликнинг тегишли йил учун тасдиқланган топшириқларидан кам бўлмаслиги керак, деган принцип қўлланилади. Шу шароитга риоя қилиниб, корхоналар, бирлашмалар ва министрликларга йиллик планларнинг энг муҳим кўрсаткичларини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш юзасидан кенг ҳуқуқлар бериб қўйилади.

Бу планларни яхшироқ асослаш учун министрликлар билан идоралар шу йилнинг ўзидаёқ ва келгуси йилларда корхоналарнинг янги паспортларини ишлаб чиқишлари лозим. Уларда ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги ва шу қувватлардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар, жумладан асбоб-ускуналарнинг смена коэффициенти тўғрисидаги, ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий даражаси ва ихтисослашуви ҳақидаги маълумотлар ёзиб қўйилган бўлади.

Бундай паспортлар ҳар бир корхонанинг имкониятлари ва ривожланишини таъриф лашда ягона мезон бўлиб қолади. Бу эса, ҳамма даражалардаги планга нисбатан талабнинг бир хил бўлиши учун шароит яратади, ички резервларни тўла-тўкис очишга ёрдам беради.

Партия Марказий Комитетининг хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ҳамда партия ва давлат органларининг вазифалари тўғрисидаги қарорида, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун хўжалик механизмининг таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида совет экономикасини жадал ривожлантиришга, социалистик план системасининг имкониятларидан партиянинг иқтисодий сиёсатини рўёбга чиқаришда янада тўлиқроқ фойдаланишга қаратилган тадбирлар белгиланган.

СССР Госплани бўлим бошлиғининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори В. М. Иванченко ТАСС мухбири билан суҳбатда планлаштириш савиясини ошириш проблемалари хусусида гапириб берди:

— Қарорларда планлаштиришга, планларнинг сифатини оширишга нисбатан қандай талаблар қўйилган?

— План — жадал иқтисодий ўсиш, ижтимоий меҳнат самарадорлигини тез ошириш юзасидан партия ўртага қўйган вазифаларни амалга оширишнинг асосий воситасидир. Планлаштиришнинг илмий савиясига, план ишининг сифатига нисбатан талабларнинг кучайиши, тўла равишда баланслаган, юксак самарали планларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш учун СССР Госплани, бошқа планлаштирувчи органлар, министрликлар ва идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг роли ҳамда масъулияти кучайиши ана шундан келиб чиқади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳозирги миқёслари ва муттасил ўсиши шароитида фан-техника революцияси таъсири билан истиқболни билиш ва чамалашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Илмий-техникавий, демографик, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа жараёнларни олдиндан аниқ билиш ва уларни план ечимларида тўғри акс эттириш муҳимдир.

Перспектив ва жорий планлар системасини хўжаликни бошқаришда қўлланишнинг белгиланган тартиби ва беш йиллик план шу системанинг марказий бўғини, ўзаги бўлиб қолиши, бир томондан, давлат планларининг ролини мустаҳкамлайди, иккинчи томондан эса иқтисодий омилкорликни амалга оширишда, ишлаб чиқаришни истеъмол манфаатларини кўзлаб қайта қуриш вазифаларини оператив ҳал этишда корхоналар ва бирлашмалар коллективларининг хўжалик соҳасидаги ташаббускорлигини, ижодкорлигини янада ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Планлар системаси уларнинг узлуксиз ўзаро боғланишини, мақсадларнинг бирлигини бир план иккинчисининг давоми ва конкретлашувидан иборат бўлиб, бирбиридан келиб чиқишини билдиради. Узлуксиз планлаштириш формаси бўлмиш узоқ муддатли истиқбол режаларини ишлаб чиқишда илмий прогнозларнинг, фундаментал проблемаларни ҳар томонлама ишлаб чиқишнинг роли кескин ортади.

2000 йилгача фан-техника тараққиётининг комплекс программаси устидаги иш тажрибаси мана шуни тасдиқлаб турибди. Бу программани СССР Фанлар академияси, СССР Фан ва техника давлат комитети ва қурилиш ишлари давлат комитети мамлакатимизни 1990 йилгача иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўн биринчи беш йиллик планнинг энг катта проблемаларини ишлаб чиқишни асослашдаги муҳим бўғин сифатида тузиб чиқдилар.

— Қарорлар беш йиллик планга нисбатан қандай талаблар қўяди?

— Беш йиллик планда структура, пропорциялар, баланслар, кўрсаткичлар, иқтисодий нормативлар системасини чуқур, атрофлича асослаб бериш, резервларни вужудга келтириш туфайли бу план ишлаб чиқариш-хўжалик алоқаларини ташкил этишда, маҳсулот, хом ашё, материал, бутлаш буюмлари етказиб бериш тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузишда барқарор ва ғоят ишончли қурол бўлиб қолади.

Беш йилликнинг йиллари бўйича белгилаб қўйилган барқарор кўрсаткичлар ва иқтисодий нормативлар асосида корхоналар ичида ва улар ўртасида хўжалик ҳисобидаги муносабатлар ўрнатиш учунгина эмас, шу билан бирга, бу муносабатларни йирик ишлаб чиқариш-хўжалик комплекси бўлмиш тармоқда ҳам ривожлантириш имконияти туғилади, ишлаб чиқариш бирлашмалари бу комплекснинг бош бўғини бўлиб қолади.

— Беш йиллик планнинг янги роли муқобил планлаштиришнинг ва социалистик мусобақанинг самарадорлигини оширишга қандай таъсир ўтказади?

— Беш йиллик бошлангандан эътиборан кўрсаткичлари ошиб борувчи беш йиллик план бажарилишига баҳо бериш шу планларни ишлаб чиқиш сифатига нисбатан талабчанликни кучайтириш билан бирга, эришилган натижадан бошлаб планлаштириш проблемасини ҳал этади. Бу эса коллективларни планни барвақт бажариш учун қўшимча резервларни кидириб топишга ва шу резервлардан фойдаланишга чорлайди. Барқарор беш йиллик планлар халқ хўжалигини бошқаришдаги демократик негизларни ривожлантиришга, мусобақани, муқобил планлар тузишни янада юксалтиришга объектив жиҳатдан имконият яратади.

Меҳнат коллективларининг янги имкониятлари аввало шундан иборатки, энди йиллик планлар беш йиллик планнинг мазкур йил учун белгиланган топшириқлари ва иқтисодий нормативларига биноан беш йилликнинг бажарилишини таъминлайдиган тадбирларни конкретлаштириш ва ишлаб чиқиш заруратини ҳисобга олиб ишлаб чиқиладиган бўлади. Бу иш қуйидан—ишлаб чиқариш бирлашмалари ва ташкилотларининг ўзлари томонидан маҳсулот истеъмол қилувчилар билан тузилган шартномаларни, социалистик мусобақа ва муқобил планлаштириш туфайли очиладиган резервлар ҳамда имкониятларни ҳисобга олиб бажарилади.

Йиллик планларни ишлаб чиқишда — кўрсаткичлар беш йилликнинг тегишли йил учун тасдиқланган топшириқларидан кам бўлмаслиги керак, деган принцип қўлланилади. Шу шароитга риоя қилиниб, корхоналар, бирлашмалар ва министрликларга йиллик планларнинг энг муҳим кўрсаткичларини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш юзасидан кенг ҳуқуқлар бериб қўйилади.

Бу планларни яхшироқ асослаш учун министрликлар билан идоралар шу йилнинг ўзидаёқ ва келгуси йилларда корхоналарнинг янги паспортларини ишлаб чиқишлари лозим. Уларда ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги ва шу қувватлардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар, жумладан асбоб-ускуналарнинг смена коэффициенти тўғрисидаги, ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техникавий даражаси ва ихтисослашуви ҳақидаги маълумотлар ёзиб қўйилган бўлади.

Бундай паспортлар ҳар бир корхонанинг имкониятлари ва ривожланишини таъриф лашда ягона мезон бўлиб қолади. Бу эса, ҳамма даражалардаги планга нисбатан талабнинг бир хил бўлиши учун шароит яратади, ички резервларни тўла-тўкис очишга ёрдам беради.

ЯНГИ НУРХОНА

Совет инженерлари ва лойиҳачилари Чирчиқ дарёсини жиловлаш режаларини тузаётганларида, бу обиҳаёт ўзанида кўплаб электр станциллар тизмасини бунёд этишни кўздилар. Объектда шу кунгача 100 минг куб метрга яқин бетон ётқизилди. ГЭСнинг 80 минг киловатт қувватли биринчи навбати ўнинчи беш йиллик охирларига бориб шаҳар ва қишлоқларга, саноат корхоналарига дастлабки электр энергиясини етказиб берди.

ГЭС қурилиши билан бир қаторда бинокорлар сунъий ўзан қазиш ишларини ҳам бошлаб юбордилар. Чирчиқ суви ана шу янги ўзан бўйлаб сув тақсимлагувчи гидроузелга оқизилади. Бу ерда Тошкент области ва Жанубий Қозоғистонинг колхозларидаги ўн минглаб гектар экин майдонлари обиҳаётга қондирилади. Қурувчилар ишни жадаллаштириш мақсадида бўлажак ўзан ўрнини тоғ жинсларини портлатиб очмоқдалар. Қурилишда монтажчилардан В. Бурцев, дурадгор Ю. Колупаев, электр пайвандчи М. Сирлибоев сингари беш йиллик зарбдорлари ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар.

Суратларда: 1. ГЭС қурилишининг умумий кўриниши. 2. Илғор пайвандчи Маъмур Сирлибоев.

Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ).

МАНЗУР

Риштон бадиий керамика заводида йил бошидан буён 11 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Завод тармоқларига чиқарилган «Оқшом» чой сервизи, «Қумгон», сувенири, «Анор» гулдони ана шулар жумласидандир.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талаб йил сайин ошиб бораётир. Завод тамғаси босилган бадиий керамика буюмлари Англия, Франция, Болгария, Испания сингари ўнга яқин чет давлатга экспорт қилинмоқда. Харидорларга манзур бўлаётган бундай маҳсулотларни яратишда қўли гул усталар билан бир қаторда Узбекистон халқ рассомлари И. Комилов ва Б. Нишоновларнинг ҳам хизмати катта.

— Заводимиз бу йил пландан ташқари 150 минг сўмлик, жами 3 миллион 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган, — дейди корхона директори А. Шерматов. — Мажбуриятларимизни СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунининг икки йиллигигача бажаришга ваъда қилганмиз.

Ҳ. БУРХОНОВ.

РЕЗЕРВЛАР—БЕШ ЙИЛЛИК ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон меҳнаткашларидан қариб бир ярим миллион киши—ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, илмий ходимлар хом ашё, материаллар ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш Бутииттифоқ жамоат кўригида қатнашмоқдалар. Тежамкорлик учун бошланган ана шу юриш қатнашчиларининг таклифига мувофиқ бир неча юз миллион киловатт-соат электр энергия, кўплаб ёқилғи, металл ва бошқа материаллар тежалди.

20 август куни Тошкентда бўлиб ўтган касаба союз активининг республика йиғилишида меҳнат коллективларини КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида хом ашё, материал, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бундан буён ҳам сафарбар этиш соҳасида Ўзбекистон Касаба союзларининг вазифалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар таъкидлаб ўтганидек, республика корхоналарида иқтисод қилиш ва тежамкорлик учун курашни ташкил этишнинг янги самарали формалари тобора кенг қўлланилмоқда. Шунга қарамай, мавжуд имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаяпти. Касаба союз активи йиғилиши қабул қилган тавсияларда тежаш резервларини қидириб топиш ва улардан тўғри фойдаланишда, қабул қилинган мажбуриятларни бажаришда меҳнаткашларнинг ижодий кучғайратларини янада кучайтириш тадбирлари белгиланди. (ЎзТАГ).

АМЕРИКА КОНГРЕССИ АЪЗОЛАРИ—ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

АҚШ вакиллар палатасининг аъзоларидан бир группаси Лестер Л. Вулф бошчилигида Ўзбекистонда икки кун меҳмон бўлишди.

Америка конгресси аъзолари Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилиш районлари билан танишдилар, республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида, музейларда бўлдилар. Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига бориб келдилар, «СССР—АҚШ» жамияти Тошкент бўлимининг активлари билан учрашдилар.

АҚШ вакиллари палатасининг аъзолари 19 август куни Москвага жўнаб кетдилар. Тошкент аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Ҳ. Сирожиддинов, республика Олий Советининг депутатлари кузатиб қолдилар.

(ЎзТАГ).

АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

Сиёсий фанлар халқаро уюшмасининг XI жаҳон конгресси 18 август куни Москвада ўз ишини тамомлади.

Сиёсий фанлар халқаро уюшмасининг бутун тарихида энг кўп вакил қатнашган бу анжуман халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш методларини, ёш давлатларнинг иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш йўлларини, давлат қарорларини қабул қилишда сиёсий фанларнинг ролини ва бошқа масалаларни муҳокама қилди. Анжуманда 58 мамлакатдан 1600 га яқин олим қатнашди. Беш юздан знёд доклад ва илмий ахборот тақдим этилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг табригида халқаро илмий ҳаётда ижобий воқеа бўлмиш конгресснинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Конгресснинг Союзлар уйи колонна залида ўтказилган якунловчи мажлисини Сиёсий фанлар халқаро уюшмаси программ маслаҳат комитетининг раиси Ричард Меррит (АҚШ) очди.

Мажлисда СССР Фанлар академиясининг вице-президенти академик П. Н. Федосеев сўзга чиқди. У айтдики, конгресснинг иши илмий амалий мулоқот ва мунозаралар руҳида самарали ўтди. Конгресс инсониятни ҳаммадан кўра кўпроқ қизиқтираётган проблема — тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш проблемаси олимларнинг ҳам зўр диққат-эътиборини ўзига жалб этаётганлигини тасдиқлади. Жаҳоннинг сиёсий иқлимида позитив тенденцияларни чуқурлаштириш, кескинликнинг юмшатилишини барқарор қилиш халқаро майдонда илмий ҳамкорликка актив таъсир ўтказади, деди у.

Сиёсий билимлар халқаро уюшмасининг президенти Карл Дойч (АҚШ) конгресддаги мунозара бир-бирини ҳурмат қилиш ва ўзаро ишонч муҳитида ўтди, деб таъкидлади. У конгресс ташкилотчиларидан миннатдор эканлигини, улар анжуманни муваффақиятли ўтказиш учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб берганлигини айтди. Карл Дойч Сиёсий фанлар халқаро уюшмаси XI жаҳон конгресси қатнашчиларининг Л. И. Брежневга мактубини ўқиб берди.

Уюшманинг навбатдаги конгресси 1982 йилда Рио-де-Жанейрода ўтказилади.

(ТАСС).

ТАСС ИЛМИЙ ШАРҲИ

КЕЛАЖАККА ПАРВОЗ

175 кунлик космик сафар якунларини учиш раҳбари А. С. Елисеев шарҳлайди.

«Салют-6» орбитал станциясидаги учинчи асосий экспедиция давомида Москва яқинидаги учишни бошқариш маркази деразалари ортида йилнинг икки фасли ўзгарди. Биз Владимир Ляхов билан Валерий Рюминни парвозга кузатиб қўйганимизда Москва областида қаҳратон қиш эди, ҳозир эса август қуёши остида оқ қайинларда кузнинг дастлабки заррин толалари пайдо бўлди.

Лекин гап рекордларда эмас албатта. Ниҳоят космосда биз аллақачондан бери орзу қилиб келган иш бошланди. Илгари бошқариш марказининг асосий ташвиши динамик операцияларни ўтказиш (старт, туташтириш, қўндириш)дан иборат бўлса, эндиликда ишларнинг асосий ҳажми илмий экспериментларни ташкил этишга, орбита маълумотларини оператив равишда юбориш ва ишлаб чиқишга тўғри келмоқда.

Космонавтларнинг 175 кунлик мислсиз иши муносабати билан биз нақадар зўр завқ-шавққа тўлмайлик, кейинги икки йил ичида ер атрофи орбитасида содир бўлган улкан воқеаларнинг қаҳрамони «Салют-6» орбитал станцияси бўлиб қолди. Станция таъминланган иккинчи туташтирувчи узел, иккинчи причал космосдаги ишларни сифат жиҳатидан янгича планлаштириш, мураккаб илмий-тадқиқот комплексларини яратиш, келиб кетувчи экспедицияларни қабул қилиш, ер билан орбита ўртасида юк ташишни мунтазам йўлга қўйиш имконини берди.

Леонид Ильич Брежнев орбитал илмий станциялар ёрдамидаги тадқиқотлар программасини инсониятнинг космос сари бош йўли деб атади. Ана шу йўлда шубҳасиз олға томон муҳим қадам қўйилди. Узоқ давом этган уч экспедициянинг қаҳрамонлари Юрий Романенко ва Георгий Гречко, Владимир Коваленок ва Александр Иванченков, Владимир Ляхов ва Валерий Рюмин космонавтиканинг келажаги учун, ердаги фанларнинг орбитада доимий ишловчи лабораториялари вужудга келтириш учун кенг йўл очиб бердилар.

Экипаж билан бирга Учишни бошқариш марказининг юзлаб мутахассислари, шунингдек ерда ва океанда ердаги ўлчов пунктларининг ишини таъминлаб турган инженерларнинг отряди бир маромда аниқ-пухта меҳнат қилдилар. Узоқ давом этган учала учиш, жаҳон космонавтикаси учун янги бўлган кўпдан-кўп инженерлик ечимлари космик учишни бошқариш мутахассисларидан жуда катта ижодий кучғайрат, машаққатли меҳнатни талаб қилди.

Лекин бу қувонч, бахт меҳнат эди. Биз учишдаги ҳар бир эксперимент, синовни келгуси куни космик техникасининг куртаклари, инсоннинг ер атрофи орбитасидаги манзиллари йўлидаги биринчи бўсағалар, деб билдик.

Совет космик программасининг навбатдаги муваффақиятидан социалистик мамлакатларнинг олимлари ва мутахассислари биз билан бирга қувонмоқдалар. «Салют-6» халқларнинг космик орбиталардаги ҳамкорлиги йўлида муҳим босқич бўлиб қолди. Унинг ичида «Интеркосмос» программаси байроғи остида Чехословакия, Польша, ГДР космонавтларининг иштироки билан учта халқаро экспедиция ўтказилди. Болгар космонавти «Союз-33» кемасида орбита бўйлаб парвоз қилди. Ана шу учишларда турли мамлакатларнинг олимлари ва космонавтлари иштирок этганлиги туфайли 1978—1979 йиллардаги космик стартлар орқали катта-катта халқаро программалар бажарилди.

(ТАСС).

СОВЕТ—РУМИН ДЎСТЛИГИ КУНЛАРИ

Бизнинг мамлакатимизда 20 августда совет—румин дўстлиги кунлари бошланди. Бу кунлар Руминия фашист асоратидан озод қилинганлигининг 35 йиллигига бағишланади.

Дўстлик кунлари тадбирларини амалга оширишда Совет Иттифоқи билан дўстона алоқалар румин жамиятининг делегацияси қатнашади. Бу делегацияга Руминия Компартияси Марказий ревизия комиссиясининг раиси, Руминия Социалистик Республикаси Давлат кенгашининг аъзоси Василе Вилку бошчилик қилмоқда.

(ТАСС).

ЁЗУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

ОЙДИН КЕЧАЛАР

Саид АҲМАД, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати

БУ ГАЛ деҳқон бобонинг суратини чизмоқчиман. Рангу бўёқлар билан эмас, сўз билан чизмоқчиман. Сўзнинг ҳам анвойи бўёқлари борку, ахир!

Чилла чиқиб, офтоб ҳарорати сўнди. Ариқ лаблари зах торта бошлади. Чайлада чопон ёпиниб ётмаган киши энди совуқ қотади. Уфқ чети оқариб келаётган тонг маҳали шабнам тушиб, тунука томларнинг тарновида биллур томчилар ялтирай бошлади.

Оқшом тушиши билан далалар, боғлар ажиб бир фароғат ва ҳаловат оғушига сингиб кетади. Моторлар шовқини тинади. Энди далаларда ой нури-ю кечки шабада ҳоким. Куни билан офтоб тиғида кетмон чопган деҳқон энди уйда, райхонлар қуршаган супасига ёнбошлаб рўзғор юмушларини ўйлайди.

Фақат мен суратини чизмоқчи бўлган деҳқон бобо оқшомлари уйда бўлмайди. У гўё шифохонадаги тунги навбатчи врачдек тонг отгунча ғўзалар бошига энгашиб сув тарайди.

Ўттиз йилдан ошибдики, Ғанивой ота шу далаларда тунни тонгга улайди. У ойдин тунларда ҳам, момақалдироқ «қилич ўйнатган» булутли кечаларда ҳам далада ётмаган. Ҳозир Ой худди болалар қўлидан чиқиб кетган шардек аста-секин ҳаволаниб, тераклар орқасига ўтди. Ғанивой ота кетмон дастасига суянганча ариқдаги сувнинг жилдирашига қулоқ тутади. Ҳамма ёқ жим-жит. Куни билан далани бошига кўтарган моторларнинг шовқини тинган. Қушлар ҳам аллақайда мудрайди. Фақат совхоз марказидаги ёзги кино залидан уруш ҳақидаги фильмнинг шовқини эшитилади. Шамол бомбаларнинг портлаган, пулемётларнинг тарилларган товушини эласт-эласт олиб келади. Бу ҳунук товушлар Ғанивой отанинг кўнглини беҳузур қилади. Нохуш ўйлар, нохуш хотираларни қўзғатади. Ҳаётидаги энг аламли дамларни ёдига солади.

Ғанивой Қосимов авжи кучга тўлган навқирон йигитлик пайтида шу ерлардан Катта Фарғона канали ўтадиган бўлди. У ўз ихтиёри билан кетмон кўтариб Нушкон участкасига борди-ю каналчиларга қўшилиб кетмон чопаверди. Худди ўша кунлари фарзанд кўрди. Канал битиб, тўғон очилганига бир йил бўлмай, уруш бошланди. Кавказ фронтида жанг қилиб юрган кезлари яна бир фарзанд кўргани тўғрисида хабар келди. Сал фурсат ўтмай, зенитчи Ғанивой Қосимов душман самолётларини уриб туширганлиги учун жанговар Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Зенитчи Ғанивой Қосимов қанчадан-қанча жангларда қатнашди. Кавказ тоғларидан зенит тўпларини судраб ўтди. Грозний нефть конларини душмандан сақлади. Ва ниҳоят сог-омон, кўкси тўла орден-медаллар билан қадрдон Пойтуқ қишлоғига қайтиб келди. Кинофильмдаги бомбалар портлаши овози уни бир дамгина ўша олов-ли йиллар багрига олиб кетган эди.

Тинч, осойишта йиллар бошланди. Ўттиз икки йилдирки, у шу далада, «Октябрь 50 йиллиги» совхозида сувчилик қилади. Етти фарзанд кўрди, етти келин, йигирма невара. Байрам кунлари уйи одамга тўлиб кетади. Ўттиз олти кишининг бир дастурхон атрофида тўпланиб ўтирганини бир тасаввур қилиб кўринг-а Канал қазилаётган кунларда туғилган тўнғич қизи Ҳошияхон энди ўн боланинг онаси.

Шу топда Ғанивой ота сувнинг шилдирашига қулоқ тутиб, неварасини ўйлантиришни ўйлаяпти. Икки келин, бир қизининг ой-куни яқин, ишқилиб, йўли ойдин бўлсин, деб хўрсиниб қўяди.

Олисдан тепловоз гудоги эшитилди. «Наманган — Тошкент» поезди Ҳаққулобод тарафдан гуриллаб келарди.

ДАЛА этагидан енгил машина фараси билан тоғ дарахт учларини, тоғ далаларнинг олис-олисларини ёритиб ўтиб кетди.

«Райкомимизнинг машинаси, — деб дилидан ўтказди Ғанивой ота, — райком сувчиларидан хабар олиб юрибди».

Поезд гупиллаб ер-у кўкни ларзага солиб Пойтуқ тарафга ўтиб кетди. Дала яна жимиб қолди. Шийпондаги радио карнайи гириллаб турибди. Газ плитага қўйилган чойнак будильник соатдек жиринглай бошлади. Ғанивой ота кетмонини пайкалда қолдириб шийпонга томон юрди. Уззу кун бригада йигит-қизлари билан тўлиб-тошадиган шийпон ҳувуллаб қолганди.

Совхоз дирекцияси сувчиларга алоҳида эътибор берарди. Партком секретари Олимжон ҳар оқшом машинасида новвот олиб келиб, ликопчани тўлдириб, бир пиёлада асал қўйиб кетади. Ота кўк чой дамлаб, энди қайтараётган эди, хотини Турсуной дастурхонга ўрғлиқ овқат олиб келди. Еши олтмишларни оралаб қолган бу аёл Ғанивой ота билан аччиқ-чучуқ кунларни баҳам кўрган, етти фарзандини кўз қорачиғидек тарбия қилган.

— Нима қилардинг, болалардан бериб юборсанг ҳам бўларди-ку.

Турсуной хола мамнун жилмайди!

— Нуъмонжонингиз билан Ҳошияхонингиз болалари билан келишипти. Бир уй бола. Бошим айланиб кетди. Бир-бирига болиш иргитавериб ҳозлини бошларига кўтаришяпти.

— Ҳа, умрингдан барака топкурлар-а! — деб юборганини билмай қолди Ғанивой ота.

Эр-хотин ойдин кечада болалари, неваралари тўғрисида аллақандай ширин орзулар билан гаплашиб ўтиришарди. Икки қиз неварани қуёвга узатиш керак, бир невараларини уйлантириш керак.

— Раҳмонали аввал аскарликка бориб келсин, кейин уйлантирамиз, — деди Ғанивой ота. — Бир эмас, уч келининг пишиб турипти, эрта-индин кўзи ёриб қолади.

— Шу кунларга етганимизга минг марта шукур. Фронтда пайтингизда кечалари сизга умр тилардим. Мана, ниятимга етиб, орқаолдимиз ўғил-қиз, невара-чеварларга тўлиб кетди. Сиз билан бизчалик бадавлат одам камдан-кам топилади.

Пайкал четидаги йўлдан машина чироғи кўзни қамаштириб, шийпон томонга келарди. Машинадан совхоз директори Давронбек Мирзаев тушди. Бу йигитнинг совхозга директор бўлганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Қўшни «Ленинград» колхозида ўн тўрт йилдан бери раис эди. Айтишга осон: тўрт минг икки юз йигирма саккиз гектар ернинг ҳар гектаридан салкам ўттиз етти центнердан ҳосил олиб, ўн беш ярим минг тонна пахта топшириши керак. Елкада шунча юк билан ухлаб бўладими?

Мирзаев ота билан ҳолаҳвол сўрашгач, фонарни олиб пайкал бошига кетди. Энгашиб қулоқдаги сувга ботирилган рейкага қаради. Рейка оқланган, сув унинг «бўғиз»ига тегиб ўтарди. Директор яна шийпонга қайтиб келди.

— Ҳа, директор болам, сувни бориши дурустми, ё яна кўтарайми?

— Жойида, — деди директор. Бундан ошмасин, пастгаям тушмасин.

— Ҳозиргина райкомимиз ўрток Ғозиев юқорига қараб кетдилар. Тинчликми ўзи бундан бир соатча чамаси олдин обкомимиз ҳам шу тарафга ўтиб кетган эдилар. Учратмадингизми?

Обкомнинг биринчи секретари Сойижон Мамарасулов дала айланганда хўжалик раҳбарларини эргаштириб юришни ўнча хуш кўрмасди. Ўзи дала айланиб, ўзи хоҳлаган далаларни бориб кўрарди. Шунинг учун ҳам директор унинг орқасидан бормади. Майли ўзлари кўрсинлар, деди.

Район партия комитетининг биринчи секретари Ҳолжўра Ғозиев аввал шу хўжаликка раҳбар эди. Билимдон, меҳнатсевар ҳамда ҳалол коммунист эндиликда Избоскан район партия комитетининг биринчи секретари. Илгари у совхознинг ўн беш ярим минг тонна хирмонини ўйлаган бўлса, энди у районнинг олтмиш минг тоннаслик улкан хирмони ташвишида. Куни билан офтоб тиғида хўжаликларни айланса, тунлари сувчилар аҳволидан хабар олиб юради.

Директор Мирзаев совхознинг тўртинчи бўлимига қараб кетди. Ғанивой ота хотинига қаради.

— Энди сен ҳам бора қол. Юр, кузатиб қўяй.

У шундай деб фонарни қўлига олди. Этакчага хотинини кузатиб, сўнг ўзи пайкал ичига кирди. Ҳар бири нашватидай бўлиб қолган кўсаклар тиззасига урилади.

Ажаб! Деҳқон халқида бошқа касб эгалари ҳеч қачон пайқамайдиган бир сезги, туйғу бўларди. Ғанивой ота ҳатто остига урилаётган кўсакларни ҳам санай олади. Ерни айтмайсизми, ерга бир қараб, унинг авзойини айтиб беради. Ғўзанинг рангига қараб чанқаганини билади. Яхлит картага қараб қанча пахта чиқишини айтади.

Ой ҳаволаниб ер этагига оғди. Ота ҳамон ғўза оралайди. Тог томондан келаётган шамол очиқ кўксига урилади. Шу пайт осмони фалакдан самолёт гуруллаб ўта бошлади. Ота осмонга қаради. Тубсиз осмонда липлип ёниб-ўчиб самолёт чироғи кўринди. Қайга кетаётган экан, дея дилидан ўтказди ота. Бирданига қирқ иккинчи йил, Кавказ осмонида пайдо бўладиган душман самолётлари кўзига кўрингандек бўлди. Яна хушини ўнглади. Бола-чақалари, невара-чеваралари кўзига кўринди. Осмон эндиликда тиниқ, беғубор эди. Ота энди зенит тўпи ёнида эмас, қадрдон кетмони, ризқ-рўзи сочилиб ётган даласида эди.

Ой ҳовучлаб нур сочар, шабада узоқ-узоқлардан тўйланлар исини олиб келарди.

Бу фароғат ва ҳаловатга тўлган ўзбек даласининг сўлим тонготари эди. Қишлоқ тарафдан бир тўда йигитлар қўшиқ айтиб келишди.

— Тўйдан келишяпти, — дея ғудраниб қўйди Ғанивой ота.

Шу пайт совхоз автогаражидан пайванд аппарати чақин чақди. Унинг кўкимтир нури далаларни бир дам аллакандай ҳавойи нурга чулғаб олди.

Андижон области.

ҚАРДОШ ҚИРҒИЗИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ АНДИЖОНДА

АНДИЖОН, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Бир неча йилдирки Андижон области пахтакорлари қардош Қирғизистон ССРнинг Ўш области пахтакорлари билан мусобақалашиб ишламоқдалар. Анъанага мувофиқ Ўш области пахтакорларининг вакиллари социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш учун Андижон областига келишди. Ўш область ижроия комитетининг раиси ўртоқ А. Тожибоев бошлиқ ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Андижон областининг Хўжаобод, Марҳамат, Қўрғонтепа, Избоскан ва Пахтаобод районларида бўлишди.

Мусобақадошлар пахтакорлар, чорвадорлар, сабзавотчиларнинг ишлари билан яқиндан танишдилар, ўзаро тажриба алмашдилар. Текшириш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳақида ўзларининг қимматли маслаҳатларини айтдилар.

ШЎРКЎЛ БАЛИҚЧИЛАРИ

РЕПОРТАЖ

Бу ерларни хоразмликлар Шўркўл дейишади. Фақат тошлоқлардан иборат ерларда ҳаво бошқа жойларга нисбатан анча иссиқ ва дим бўлади. Қўз илғамас кенгликлар бағридаги тошлоқлар ўртасида қатор иморатлар бўй чўзиб турибди. Шундоқ қина йўл ёқасидаги бинога Хоразм балиқ комбинатининг маъмурий идораси жойлашган.

Директор кабинетига кирамиз. Бўйчан, тўлагина, улуғ ёшдаги бир киши иш столидаги ҳужжатларни синчковлик билан кўздан кечираётган экан.

— Бекжон Жабборов, — деб таништирди у ўзини салом-аликдан кейин.

У билан бу ердаги ишлар ҳақида суҳбатлаша бошладик.

— Балиқ овлашни ўтган йилдагидан роса бир ой олдин бошлаб юбордик, — деди кувонч билан комбинат директори. — Корхонамизнинг махсус машиналари ҳар куни савдо тармоқларига 6 тоннадан 10 тоннагача тирик балиқ элтиб бериб турибди. Балиқ боқиш режимига қатъий риоя қилганлигимиз, рационга витаминли озуқалар қўшилганлиги туфайли маҳсулот олиш анча жадаллаштирилди. Бизда сувнинг биохимик таркиби қаттиқ назорат қилиб турилади.

Суҳбатимиз комбинат босиб ўтган йўл ҳақида давом этди.

— Шу йилнинг май ойида комбинатимиз беш ёшга тўлди, — дея сўз бошлади директор. — Дастлабки йили 300 гектар майдондаги сув ҳавзаларида балиқ боқдик. 100 тонна маҳсулот топширдик. Иккинчи йили ҳавзаларни 160 гектарга кўпайтирдик. Пландаги 630 тонна ўрнига 650 тонна тирик балиқ етказиб бериб, 13 минг сўм соф фойда олдик. 1976 йилга келиб, ҳавзаларимиз 820 гектарни ташкил этди. Эл дастурхонига 1281 тонна балиқ тортиқ этиб, бу борадаги планни 118 процент бажардик. 200 минг сўм соф фойда олишни планлаштирган эдик, 243 минг сўм бўлди. 1977 йилда 1380 тонна, ўтган йили эса 1675 тонна маҳсулот топширишга эришдик. Маҳсулот етиштиришнинг кескин кўтарилгани, таннархининг анча арзонлашгани туфайли сўнгги икки йилда 689 минг сўм соф фойда кўрилди. Бу йил коллективимиз 25 минг центнер тирик балиқ реализация қилишни мўлжалламоқда. Бу планда кўзда тутилганидан 4 минг центнер кўп, демакдир.

Директор ҳамроҳлигида комбинатдаги ишлар билан таниша бошладик. Маъмурий биноданнарироқда инкубация цехи жойлашган экан. Ўша ёққа бордик.

— Бу ўрток цех бошлиғи Қадамбой Жабборов бўлади, — таништирди директор. — Бу йил 80 миллион дона личинка олишни мўлжаллашган эди, планни анча ошириб бажаришди.

Ончалик кенг бўлмаган йўлдан борамиз. Ҳамма томонда балиқ боқиладиган ҳавзалар кўзга ташланади. Чаққон йигитлар балиқ овлашмоқда. Тангаси кун нурида ярқираб турган ҳаққаларни кўриб, уни парвариш қилган ишчиларга раҳматлар айтдик.

Тирик балиққа тўлдирилган махсус машина йўлдан ўтиб боради.

— Магазинга олиб кетишяпти, — деб қўйди директор. — Комбинатимизда сара маҳсулот етиштирадиган моҳир балиқчилар оз эмас. Оллоберган Матжонов, Жонибек Оллаберганов, Оллаберган Худойберганов, Қадам Нурматов, Султон Машарипов. Ортиқ Эшматов каби азаматлар коллективимизнинг фахри ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирига 100 гектардан сув ҳавзаси бириктирилган бўлиб, гектаридан 35 центнердан тирик балиқ топширишга сўз беришган.

Балиқ тутаётганларни кўздан кечириб борар эканмиз, рўпарамиздан иш кийимидаги бир киши чиқди. Саломлашдик.

— Инкубациядан чиққан митти балиқчалар мана шу ўрток бошчилик қилаётган участкадаги алоҳида ҳавзаларда беш ой боқилгач, бошқа ҳавзаларга олиб парвариш қилина бошланади, — деб қўйди директор.

— Абдуқодир Эшжонов, — ўзини таништирди участка бошлиғи.

— Неча гектар ҳавзангиз бор? — сўрадик ундан.

— 250 гектар. 15 миллион дона балиқчани шу ерда парвариш қиламиз.

Эл-юрт фаровонлиги йўлида сув кечиб меҳнат қилаётган Шўркўл балиқчиларига офаринлар айтдик.

У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ХАТАРЛИ РЕЖАЛАР

Қўшма Штатларнинг ҳарбий стратеглари ўзининг НАТОдаги шерикларига Европада вужудга келган қуллар мувозанатини Ғарб фойдасига ўзгартиришга қаратилган милитаристик планларни зўр бериб тиқиштиримоқдалар. Ҳали яқиндагина бу планларда Ғарбий Европада оммавий қирғин қилишнинг энг ваҳшиёна воситаларидан бири — нейтрон қурол жойлаштиришга асосий эътибор берилган эди. Вашингтон дунёнинг ҳамма жойида қаҳр-газаб тўфонини қўзғаган шу хатарли ниятларидан ҳамон воз кечмаган бўлса ҳам кейинги вақтларда таҳликали оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган янги «таклиф»ни ўртага қўйди. Бунда гап 80-йилларнинг бошларида Ғарбий Европада Американинг ўртача ҳаракат радиусидаги қуролини (ядровий жанговар қалпоқ ўрнатилган «Першинг» ракеталарининг янгиланган турларини ва қанотли ракеталарни) жойлаштириш тўғрисида бормоқда. Бу қуроллар Совет Иттифоқи ва Европадаги бошқа социалистик мамлакатлар территориясидаги нишонларга етиб бора олади. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар қилишича, ҳаммаси бўлиб 600 та ана шундай ракетани жойлаштириш мўлжалланмоқда.

Американинг «таклифи» нюнь ойининг охирларида АҚШнинг НАТОдаги Ғарбий европалик шериклари раҳбарларига маълум қилинди. Англияда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетасида босилган маълумотларда айтилишича, август ойининг иккинчи ўн кунлигида ГФР ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер АҚШ сафаридан қайтиб келиши билан Бельгия, Нидерландия ва Люксембургнинг ўз территориясида Американинг жанговар ядро қалпоқли ракеталарини жойлаштиришга нақадар тайёрлигини аниқлаш мақсадида кетма-кет кенгашлар ўтказа бошлади. Бошқача қилиб айтганда, Вашингтон Ғарбий Германиянинг воситачилиги билан ўз «таклифи»ни рўёбга чиқаришни жадаллаштириб, Американинг ракеталари юборилмоқчи бўлган мамлакатларга тазйиқ ўтказмоқда.

Мутлақо равшандирки, Марказий Европадаги қуролли кучларни ва қуролярогларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги Вена музокаралари қизғин тус олган пайтда АҚШнинг милитаристик кирдикорлари қуролсизланиш мақсадларига зид эканлиги, кескинликни кучайтириб, уни юмшатишни қўпориши мутлақо равшан. Бу кирдикорлар Европа хавфсизлигини таҳлика остида қолдиради, қитъадаги сиёсий муҳитни заҳарлайди, умуман Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг яхши йўлдан янада ривож топишига хавф солади.

МУСИБАТЛИ ЎН ЙИЛЛИК

Жафокаш Шимолий Ирландия аҳолиси шу кунларда ўн йил аввалги воқеаларни — 1969 йил августида Англия оккупациячи корпуси Белфастга киритилганини, шундан кейинги йиллар мобайнида содир бўлган ҳамма воқеаларни эсга олмоқда. Лондоннинг расмий доиралари Ольстернинг ҳарбий оккупация қилиб олинишини икки диний жамоа — протестантлар билан католиклар ўртасида қон тўкилишига йўл қўймаслик чораси деб мақтамоқдалар. Бироқ, аслида шу оккупация туфайли ватанпарварларни кўплаб қамоққа олиш, қамоқ лагерларидаги маҳбусларни қийноққа солиш ва таҳқирлаш бошланиб кетди, кўпчилиги граждан шахслардан бўлган неча кўп минглаб кишилар ҳалок бўлди ва жароҳатланди. Оккупациячи маъмурлар оғзида «тартиб ўрнатиш» тўғрисида ғамхўрлик қилиб, амалда эса гражданлик ҳуқуқлари учун курашчиларнинг пойига тушдилар, озчиликдан иборат католикларни қисиб қўйдилар, тинч аҳолини ўрқитиб қилиб, жабр-зулмни кучайтирдилар.

Ҳозир Белфастда ва Лондондеррида кўтарилган янги катта ғалаёнлар, Шимолий Ирландия шаҳарларининг кўчаларида пайдо бўлган баррикадалар, табиий равишда бошланиб кетаётган ва инглиз қўшинлари тарқатиб юборaётган намойишлар — тасодифий ҳол эмас, балки инсон иззат-нафсини ва ҳуқуқларини поймол этиш билан ўтган ўн йилнинг табиий якунидир.

«Ивнинг ньюс» газетасининг далолат беришича, Ольстерни Британия оккупация қилиб олган пайтдан бери икки мингта яқин киши ўлдирилди ва 20 мингдан ортиқ киши ярадор қилинди. Ҳозирги тўқнашувлар Лондоннинг Шимолий Ирландияни «тинчлантириш» сиёсати қурбонларининг узун рўйхатига қўшимча қиритиши шубҳасиз.

Вилоят аҳолисига беҳисоб ғам-ғусса келтирган мусибатли ўн йилликдан оккупациячи маъмурлар ҳеч қандай сабоқ олмаганликлари кўриниб турибди.

Лондон Ольстернинг ишкал муаммоларини одилона ҳал этиш йўлларини қидириш, сиёсий ва иқтисодий турмушнинг турли соҳаларида озчиликдан иборат католикларнинг камситилишини тугатиш ўрнига, ҳамон кучга умид боғламоқда. У террор ва репрессия ёрдамида Буюк Британиянинг мана шу «оқ танлилар мустамлакаси»да инглиз империализми билан чамбарчас боғланган йирик протестант буржуазиясининг ҳукмронлигини сақлаб қолишни хоҳлайди.

Аммо проблемаларни зўрлик билан ҳал этиб бўлмайди. Гражданлик ҳуқуқлари учун курашаётган шимолий ирландияликлар оккупациячилар олдида тиз чўкмайдилар.

БУ ТАКРОРЛАНМАСЛИГИ КЕРАК

Шу кунларда Пномпень шаҳрида Пол Пот-Иенг Сари тўдаси билан уларнинг гумашталарини суд қилаётган халқ-революцион трибунали Кампучия халқи жаллодларининг мудҳиш жиноятлари даҳшатли манзарасини бутун дунёга очиб ташламоқда. Улар ҳеч бир айби бўлмаган кишилар — қариб бутун зиёлиларни, студентларни, будда руҳониларини, ишчилар синфининг кўп қисмини ёппасига ва атайлаб қириб ташладилар. Мамлакат 8 миллион кишилик аҳолисининг 3 миллионга яқини жаллодлар қўлидан ҳалок бўлди. Кишилар шаҳарлардан кўчириб чиқарилди, шаҳарлар бўшаб қолди, бир қанча шаҳарлар эса ер юзидан тамомила йўқотиб юборилди. Мамлакатнинг барча аҳолиси мажбурий меҳнат лагерларига кўчириб чиқарилди (бу ишлар «синфларни ва социал сарқитларни батамом йўқотиш» зарурлиги тўғрисидаги ғаразли шиорлар билан ниқобланди). Мамлакатнинг бутун иқтисодий структураси бузилди, анъанавий миллий, маданий ва диний алоқалар ҳамда урф-одатлар, оилавий ва ижтимоий муносабатлар йўқ қилинди.

Трибунал геноцид сиёсатининг оғир оқибатларини кўрсатувчи ҳужжатларга эга. Бу сиёсат билиб туриб Кампучия миллатининг кўп қисмини қириб ташлаб, Пекининг Ҳинди-Хитойдаги экспансиячилик сиёсатини амалга ошириш йўлида мамлакатга хитойларни кўчириб келтириш мақсадида ўтказилди. Бош жиноятчилар Пол Пот ва Иенг Сари (улар ҳозир Пномпендаги судланувчилар курсисида йўқ. Чунки улар хитойлик хомийларининг ёрдами билан қочиб қолган эдилар, ҳозирча сўзсиз жазодан яшириниб юрибдилар) орқасида пекинлик маъмурлар турганлар. Неча ўн минг Хитой ҳарбий маслаҳатчилари қуролли кучларгагина эмас шу билан бирга маъмурий аппаратнинг ҳамма бўғинларига ҳам қўмондонлик қилдилар. Жиноятчилар Мао идеологиясига суяндилар, Хитой «маданий революцияси» тажрибаларидан келиб чиқиб «янги ижтимоий модель» тузиш ғояси кетидан юрдилар. Пол Пот бундан икки йил аввал Пекинда сўзлаб, Кампучияда «Мао ғоялари» ижодий ва ғолибона қўлланилаётганлигига», айни маоизм «курашимизда энг самарали ва энг ўткир қуроли ҳамда сиёсий қурол бўлиб» хизмат қилаётганлигига хитойлик хўжайинларини ишонтирди.

Кампучияда манфур режимнинг ағдариб ташланиши, бу мамлакатнинг жафокаш халқини қириб битишдан сақлабгина қолмай, Жануби-Шарқий Осиёда шу регион халқларига бақад беҳисоб қулфатлар келтирувчи Хитойнинг гегемончилик режалари амалга оширилиши учун хатарли майдон яратилишига ҳам ҳалақит берди. Мана шунинг учун ҳам Пномпенда Пекин гумашталарининг шу мудҳиш ёвузликлари ва даҳшатли режаларини фош этаётган халқ революцион трибуналининг мажлислари катта халқаро аҳамиятга эгадир. Кампучия халқининг жаллодлари муносиб жазо олишлари керак, уларнинг ёвузликлари ортиқ ҳеч қачон такрорланмаслиги учун қат-қатъий чоралар кўриш зарур.

Ю. РОМАНЦОВ,
Е. БАБЕНКО,
И. ЛАПИЦКИЙ.
(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

◆ «КОЗЛОДУЙ» ҚУРИЛИШИДА

СОФИЯ. «Козлодуй» атом электр станциясининг иккинчи навбати қурилишида иш қизғин давом этмоқда. Қад кўтарган корпусда реактор ва бошқа асбоб-ускуналар жадал суръатлар билан ўрнатилмоқда. Шу йилнинг охирига бориб, атом электр станциясининг учинчи энергоблоки ишга туширилади.

Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами билан қурилаётган «Козлодуй» атом электр станциясининг биринчи блоки ишга туширилганига бу йил беш йил тўлади. Ҳозирги вақтда станция ҳар куни 21 миллион киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқармоқда. Шу беш йилликнинг охирида станциянинг тўртинчи блоки ишга туширилганидан кейин мамлакатда ҳосил қилинаётган барча электр қувватининг 40 процента тинч атом энергияси ҳисобидан таъминланади.

◆ МИЛЛИЙ БАЙРАМ ШАРАФИГА

БУХАРЕСТ. Руминия машинасозларининг миллион кишилик отряди миллий байрам — Руминия фашистлар асоратидан озод этилган кун шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Пландан ташқари 180 миллион лейлик ҳар хил маҳсулот, шу жумладан денгиз кемалари, станоклар, электрон-ҳисоблаш техникаси, пармалаш қурилмалари, тракторлар, ҳар хил уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилди.

◆ ТЕМИР ЙЎЛЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

БУДАПЕШТ. Мечек шаҳри атрофида ёнинда Будапешт-Печ трассасида юз метрдан узунроқ масофада темир йўл тунели фойдаланишга топширилди. Йўлнинг шу участкасини реконструкциялаш давомида темир йўл янгиланди, янги кўприк қурилди.

Ҳозирги вақтда Венгрияда темир йўлларни, ҳаракат составини янгилашга катта эътибор берилмоқда. Паровозларнинг электровозларга айлантирилганлиги бу соҳада амалга оширилаётган энг муҳим тадбирдир. Мамлакат темирйўлчилари кейинги йилларда Будапешт билан Захонь ўртасидаги муҳим темир йўлни электрлаштириш ишларини тамомладилар. Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасида юкларнинг кўп қисми шу йўлдан ташилмоқда.

(ТАСС).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

МАНАГУА. Истибдодни ағдариб ташлаш учун курашда Манагуа халқи эришган ғалаба Лотин Америкасида империализмга қарши олиб бориладиган ялпи кураш ишига қўшилган жуда катта ҳисса бўлди, озодлик ва демократияга интилаётган бошқа мамлакатларнинг халқлари учун намуна бўлди, деди бу ерда бўлиб ўтган оммавий митингда Панама армиясининг гвардиясининг бош қўмондони генерал О. Поррихос. У миллий тикланиш ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан Никарагуага келган эди.

Шу митингда сўзга чиққан ҳукумат раҳбари кенгашининг аъзоси А. Робело ва сандиночилар халқ армиясининг бош қўмондони У. Ортега никарагуаликларнинг кураши билан бирдам бўлганликлари учун Панама халқи ва ҳукуматига миннатдорчилик изҳор этдилар. Панама Лотин Америкаси мамлакатлари орасида биринчи бўлиб тикланиш ҳукумати раҳбар кенгашини таниди.

(ТАСС).



Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари Никарагуа халқига озиқ-овқат, дори-дармонлар ва кийим-кечаклар юбормоқда.

Суратда: Манагуа аэропортида ГДРдан келган юклар туширилмоқда.

АДН — ТАСС телефотоси.

ҲУМАЙНИНИНГ ФАРМОЙИШИ

ТЕҲРОН. Эрон революциясининг раҳбари оятилло Хумайни армия қисмлари билан хавфсизлик кучларини Сенендеж шаҳри (Эрон Курдистони)га юбориш тўғрисида фармойиш берди. Эрон радиосининг хабарида айтилишича, бу шаҳарда Курдистон демократик партиясининг тарафдорлари ҳарбий гарнизонлар ва аслаҳахоналарга ҳужум қилмоқдалар. Хумайни қамал ичида қолган Сенендеж аҳолисига осмондан мунтазам ёрдам беришни буюрди.

Теҳронда Ислом революцион кенгашининг Курдистон Демократик партиясини тақиқлаш тўғрисидаги фармони эълон қилинди. Бу партия «мамлакат хавфсизлигига ва бирлигига қарши фаолият»да айбланмоқда. Кейинги кунларда тоғлиқ Пәве районида курдлар билан ҳукумат қўшинлари ўртасида содир бўлган қуролли тўқнашувлар учун жавобгарлик шу партия зиммасига юкланмоқда. Бу партияга мансублик бундан буён давлатга қарши жиноят деб ҳисобланади.

Мунозара тугади

ЛИССАБОН. Республика мажлисида Мария ди Лурдиш Пинтассилгу бошчилигидаги Португалия янги ҳукуматининг программаси юзасидан парламент мунозаралари тугади. Овозга қўйиш давомида ўнг партияларнинг янги кабинет программасини рад этувчи резолюцияси маъқулланмади. Португалия Коммунистик партияси билан социалистик партиясидан сайланган депутатлар бетараф қолдилар.

Шундай қилиб, Конституцияга биноан ҳукуматнинг программаси автоматик тарзда қабул қилинди, чунки унга қарши бўлган партиялар мутлақ кўпчилик овозни таъминлай олмадилар.

Шу тариқа ҳукумат ишончга сазовор бўлди. Янги кабинетнинг вазифаси мамлакат бошидан кечираётган ўткир ва чўзилиб кетган ҳукумат танглигини бартараф этиш йўлидаги ялпи оралиқ сайловига тайёргарлик кўришдан иборат.

Тараққийпарвар кучларнинг фикрича, ўнг партияларнинг позициясига қарамай, республика мажлиси ҳукумат программасини маъқуллаганлиги ҳукумат танглигини бартараф этишнинг конституцион йўлига халақит беришга интилаётган реакциянинг янги катта мағлубиятга учраганини билдиради.

ОНА БАХТИ

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Оқшом чўкди. Қундузхон аянинг кумуш тўйи бошланди. Узун бўйли, қотма, истараси иссиқ аёл ўртага чиқиб, юбилей кечасига келган меҳмонларга хиёл эгилиб таъзим қилди. Қарсаклар чалинди. Тўкин дастурхон устида сермазмун, мароқли, ширин суҳбат қизиди. Дилбар куй ва қўшиқлар янгради. Мўътабар кишилар сўз олиб, Қундузхон аянинг ҳаёт йўли ҳақида ҳаяжон билан гапиришди. Унинг ҳаёти, турмушуми ёш оилалар учун ибрат намунасидир, дейишди. Хурматли қариялларимизни қадрлаш ҳақида илиқ гаплар айтилди. Кечанинг азиз меҳмони, таниқли артист, СССР Давлат мукофоти лауреати Ёқубжон Аҳмедов бундай деди:

— Ая, аяжоним, Қундузхон аям! Бугун етмиш ёшга тўлганингизни эшитиб Тошкентдан етиб келдим. Кумуш тўйингиз қутлуғ бўлсин! Сизни чин юрақдан табриклайман, икки қўлимни кўксимга қўйиб таъзим қиламан. Шундай иззат-икромга лойиқсиз, аяжон. Сиз менга она сифатида кўп илтифот кўрсатдингиз, бошимни силадингиз. Ўз фарзандингиздек ардоқладингиз. Миннатдорман, аяжон! Яхшиямки, бахтимга сиз борсиз. Сизни кўрганда онажонимни кўргандай бўламан. Демак, онажоним тирик. Сиз менинг меҳрибон онажонимсиз, Қундузхон ая! Ҳамиша соғ бўлинг, узоқ умр кўринг, онажоним!

Севимли артистнинг ҳаяжон билан айтган бу сўзлари ҳаммани ларзага солди. Уларда бахтиёр оналарга нисбатан меҳр уйғотди. Кўзлари қувончдан порлаган Қундузхон ая йиғилганларнинг шодон чеҳраларига тикилиб ўтирарди. Ҳаёл уни узоқ-узоқларга олиб кетганди.

...Янги турмуш энди илдиз отаётган йиллар эди ўшанда. Эл қатори Қундузхон ҳам ҳур замоннинг эркин қизи бўлишга аҳд қилди. Зиё маскани — саводсизликни битириш курсига борди. Уни битириб, янги очилган қишлоқ мактабида ишлади. Хотин-қизларни мактабга тортди. Уларни паранжи балосидан қутқариш учун таргибот ишлари олиб борди. Аҳоли орасида зиё тарқатди. Унинг бу ишлари қаршиликлар ва тўсиқларга учрамасдан қолмади. Лекин дўқ-пўписалар қизнинг иродасини буколмади. Қишлоқда ўзига содиқ дўстлар топди. Мактаб директори Қосим билан бирга янги тузумнинг тантанаси учун курашди. Икки ёш оила қурди...

Йиллар ўтди. Эр-хотин аҳил яшади. Қанчадан-канча кишиларни маърифат йўлига олиб чиқди.

Даҳшатли уруш бошланди. Эр қўлига қурол олиб Ватан ҳимоясига жўнади. Хотин рўзғорни тебратди. Аҳвол ниҳоятда оғир эди. Унинг куни далада, мактабда ўтарди. Аҳоли ўртасида Совет Армиясининг қудрати ҳақида суҳбатлар ўтказар, янгиликлар ҳақида сўзлаб берарди. Лаънати уруш кўп аёлларни эридан, фарзандидан, ака-укасидан айирган эди. Қундузхон бундай аёлларга ҳамдардлик билдирар, кўнглини кўтарарди.

Уруш Совет Армиясининг галабаси билан тугади. Эр фронтдан келди. Бу орада Қундузхон Андижон педагогика техникумини битирди.

Тинниб-тинчимас аёл ўттиз йил давомида ўқитувчи номига доғ туширмай ишлади. Унинг тарбиясини олган кишиларнинг кўпи ҳаётдан ўз ўрнини топди, катта-кичик лавозимларга кўтарилди.

Қундузхоннинг педагогликдан ташқари пиллачилик иккинчи севимли касби эди. У ипак қурти боқди. Шу соҳага оид кўп китобларни ўқиб, мўл ҳосил олиш «сир»ларини ўрганди. Қишлоқда энг кўп ва энг аъло пилла топшириб эл оғзига тушди. Тошкентда, Москвада ўтказилган катта йиғинларга таклиф қилинди. Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медали билан мукофотланди.

Ишчан аёл пиллачилик звеносига, бригадасига бошлиқ бўлди. Бир неча йил Андижон область Москва район ипакчилик идорасига раҳбарлик қилди. Кейин шу райондаги «Қизил Юлдуз» колхозида пиллачилик агрономи бўлиб ишлади.

У пиллакорлик фаолияти даврида ҳам коммунистик эътиқодига сира доғ туширмади. Сидқидилдан, мардона ишлади. Ҳалол меҳнати туфайли эл-юрт меҳрини қозонди. Партия ва ҳукуматимиз унинг меҳнатларини муносиб тақдирлади, кўша-кўша медаллар билан мукофотлади. Кўкрагига «Ҳурмат Белгиси», Меҳнат Қизил Байроқ, Ленин орденларини тақиб қўйди.

У ҳозир етмиш ёшда. Пенсияга узатишганига бир неча йил бўлди. Рўзғори бут, турмуши фаровон. Лекин кекса қалб ҳамон дарёдай жўшқин. Ҳар йили ипак қурти боқади, давлатга кўпгина «кумуш тола» топшириб беради. Уни ёшлар беҳад ҳурмат қилишади, меҳнат ветерани сифатида турли йиғилишларга, учрашувларга, мактабларга таклиф қилиб туришади. Ая уларга ўзининг сермазмун ҳаёти, унутилмас кунлари тўғрисида сўзлаб беради.

Қундузхон ая ўз бахтини фарзандлари камолида кўрди. Турмуш ўртоғи Қосим ака фарзандлар меҳрига тўймай ҳаётдан эрта кўз юмди. Қундузхон ая ўғил-қизлари учун ҳам ота, ҳам она бўлди. Ҳамма фарзанди ўқиди, ҳаётдан ўз ўринларини топди.

Бугун Қундузхон ая Ёқубованинг энг бахтиёр куни. Москва районидаги «Қизил Юлдуз» колхози аъзолари унинг кумуш тўйини ўтказишяпти. Юбилей кечасида аянинг қариндош-уруғлари, оддий колхозчилар, район, область партия комитетлари секретарлари, олимлар, санъаткорлар иштирок этишарди. Бу, оддий бир пиллакорга бўлган иззат-икром, меҳр-муҳаббат рамзи, бу — партия-ҳукуматимизнинг инсонга меҳрибонлиги, ғамхўрлиги ифодасидир. Инсонни бундай эъзозлаш, қадрлаш кишилар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтиряпти, уларда Ватанга, халққа бўлган садоқатни оширмоқда. Инсон қадр-қимматини ҳамма нарсадан улуғлаш совет турмуш тарзимизга хос фазилатлардан бири бўлиб қолган.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИ КОЛЛЕКЦИЯСИ

Ўзбекистон полиз экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институтининг Хоразм таянч пунктида узила бошлаган қовунлар ғоятда хушбўй ва тотли. Бу ердаги далаларга 15 хил қовун экилган. Таянч пункти барпо этилгандан бери энг катта коллекция етиштирилди. Бунинг учун илмий ходимлар экспедициялари воҳанинг турли жойларида бўлиб, уруғлар келтирдилар. Хуллас Хоразмдаги ҳамма қадимги қовун навларини тиклаш вазифаси қўйилган.

(ЎзТАГ мухбири).

РАЙОН МАРКАЗИДА КИНОТЕАТР

Қорақалпоғистон АССР Ленинобод район марказида янги кинотеатр очилди. Унинг томошабиналар залига 300 киши сиғади. Бу ерда кенг экранли фильмларни намойиш қиладиган энг янги асбоб-ускуналар ўрнатилган. Республика қишлоқ биноқорлари йил бошидан буён ўнта кинотеатрни қуриб фойдаланишга топширдилар.

1979 ЙИЛ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАР ЙИЛИ

Доҳий В. И. Ленин томонидан ўртага ташланган «Ҳамма энг яхши нарсалар — болаларга» шиори совет турмуш тарзининг маънавий принципига айланган. Истиқбол эгалари ҳақидаги ғамхўрлик жумладан республикамизда амалга оширилаётган кўпгина ишларда ўз аксини топмоқда. Яқинда Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикаси чеварларининг фарзандлари учун 320 ўринли янги болалар комбинати фойдаланишга топширилди. 350 минг сўм сарфлаб бунёд этилган бу масканда болалар тарбияси учун ҳамма шароит яратилган.

Суратларда: тарбияланувчиларнинг ҳар бир куни бу ерда ана шундай қизиқарли ўтади.

Г. Пун фотолари. (ЎзТАГ).

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ЎРИНЛАРДА ЎЗГАРИШ

Олий лига коллективлари мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи давра ўйинларини давом эттирмоқдалар. Пешқадамлар—«Шахтёр» футболчилари билан тбилисилик динамочилар биттадан очко йўқотишди. Кончилар «Черноморец» коллективини қабул қилиб (1:1), очколарини 31 та қилиб олдилар. Грузин футболчилари очколарни баҳам кўришга имконият берадиган сўнгги саккизинчи дуранг (1:1) ҳисобидаги учрашувни Ростов-Дон шаҳрида маҳаллий армиячилар билан ўтказдилар. Киевлик динамочилар «Крилья Советов» футболчилари меҳмони бўлиб (1:0) 30 та очко билан тбилисилик динамочиларга тенглашиб олишди. Жами 13 марта ғалабага эришган киевлик футболчилар иккинчи ўринга кўтарилдилар. 6—7 ўринларни эгаллаб турган «Зенит» ва минсклик динамочилар (1:3) учрашувидан кейин коллективлар ўзаро ўрин алмашдилар. «Торпедо» — ЦСКА командалари учрашувида 1:2 ҳисоби қайд қилинди.

Ўйинлар жадвалининг кўриниши.

	Ю	Д	М	Т	О
Шахтёр	12	7	1	31-11	31
Динамо К	13	4	3	27-11	30
Динамо Тб	11	8	1	30-11	30
Спартак	11	6	3	33-15	28
Динамо М	10	4	6	21-13	24
Динамо Мн	9	4	6	24-17	22
Зенит	8	4	8	25-27	20
Арарат	6	10	4	22-17	20
ЦСКА	8	3	9	27-24	19
Пахтакор	7	4	7	23-26	18
Черноморец	4	8	8	15-20	16
Торпедо	5	5	10	17-25	15
Локомотив	4	7	9	24-32	15
Заря	4	6	10	22-32	14
Қайрат	5	3	11	19-30	13
Кр. Советов	5	2	13	12-30	12
Нефтчи	3	6	11	10-26	12
СКА	2	11	7	20-35	12

Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Динамо» (М) — «Арарат» — 0:1, «Заря» — «Нефтчи» — 1:0, «Локомотив» — «Спартак» — 1:8. «Пахтакор» командасининг «Арарат» коллективи билан учрашуви 23 августга мўлжалланмоқда.

Иккинчи лига коллективлари 31 тур ўйинларини ўтказишди. Бешинчи зона пешқадамлари учрашувида: «Пахтакор» — «Шахрихончи» — 1:0, «Бўстон» — «Химик» — 3:0, «Янгиер» — «Хива» — 0:0 ҳисоблари қайд қилинди. «Шахрихончи» 44 очко билан ҳамон олдинда бормоқда.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ШАҲРИМИЗ ОЗОДА БЎЛСИН

ҚАРОВСИЗ УЙЛАР

Пойтахтимиз хусни жамоли тобора очилиб, кўпчиликни мафтун этмоқда. Соя-салқин сўлим майдончалар, обод-кўркам уй-жой массивлари, ёғ тушса ялағудек озода маҳаллалар кўп. Лекин ўз хуснижамолини оламга кўз-кўз қилаётган шаҳримизда эгасиз қолган уй-жойни эслатувчи кўчалар, гузарлар ва кварталлар ҳам борки, улар шоҳи сўзанага тушган чиптадек ямокни эслатади. Високовольтная массивидаги баъзи кварталларнинг санитария қолати кўпчиликнинг дилини ҳира қилмоқда. Массивдаги уйларнинг ремонти, техникавий қолати, тозалигини сақлаш, намунали тартиб ўрнатиш икки ЖЭК ходимлари зиммасига юкланган. Хўш, улар ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифани қандай бажармоқдалар, деган савол туғилади.

Бу ерда ҳозирги кунда 60 га яқин давлат муассасаси, савдо тоҳчалари ва бошқа жамоат жойлари мавжуд. Массивнинг шимолий қисми Куйбишев район уй-жой бошқармасига қарашли 42-уй-жойдан фойдаланиш идорасига тегишли. Бу ердаги уйларга ҳонадонлар янги кўчиб кела бошлаган 1964—1966 йилларда йўл ва йўлқалар сифатли асфальтланган, болалар майдончалари яхшилаб жиҳозланган эди. Уларнинг яйраб дам олишлари учун барча шароитлар яратилганди. Ҳовли ва йўлларни, майдончаларни ёритиш учун кундузги чироқлар ўрнатилганди. Уй подъездлари олдига скамейкалар қўйилганди. Орадан икки-уч йил ўтгач, спорт қурилмалари, скамейкалар йўқолиб кетди.

«Автодормехбаза» идораси томонидан ажратилган машиналар чиқиндиларни вақтида олиб кетмаётир. Улар икки марта катнаш ўрнига массивни бир марта айланиб чиқиб, икки-уч марта катнадик, деб ёздириб олишади. 42-ЖЭК раҳбарларининг эса парвойи палак.,

Ҳаммага маълумки, ҳар бир ЖЭК ихтиёрида кўча ва ҳовлиларни супуриб тозалайдиган, дарахтларни суғориб турадиган, ариқларни тозалайдиган ишчилар, фаррошлар штати бор. Ана шундай ишчи, фаррошлар 42-ЖЭК штатида ҳам бўлса керак. Лекин бирорта кўчани тозалаётган фаррош кўзга кўринмайди. Лекин массив чанг, тупроққа, ахлатга кўмилиб етган бўлса ҳам, фаррошлар ўз маошларини канда қилмай олиб туришади?

Массив аҳолиси икки йилдан буён бу ерларнинг санитария ҳолатини яхшилаш учун турли идора ва ташкилотларга илтимоснома ва шикоятлар езяпти. Лекин буларнинг нафи бўлмаётир. Ўтган йили июнь ойида «Совет Ўзбекистони» газетасига шикоят хати йўллашганди. Газета бу шикоятни Куйбишев район уй-жой бошқармасига юборибмиз, масъулларнинг ҳамма ишлари ҳаваскорлик асосидаги камчиликларни зудлик билан йўқотиш учун чора кўришни талаб қилган эди. Район уй-жой бошқармасининг бошлиғи редакцияга ва бизга қуйидаги мазмунда жавоб хати йўллади:

«Куйбишев район уй-жой бошқармаси шуни маълум қиладики, 113-уйда яшовчилар аризасини кўриб чиқиб, 42-ЖЭК бошлиғини жиддий огоҳлантирдик. Кўрсатилган камчилик ва нуқсонларни бир ой мобайнида тугатиш учун чора кўриш топширилди.

Участканинг техника назорати учун масъул кишига ЖЭК бўйича буйрук чиқариб жазо берилди. Куйбишев район уй-жой бошқармасининг бошлиғи С. Р. Бобожонов». Ўрток С. Р. Бобожонов ушбу 190-рақамли расмий жавоб хатини йўллади-ю, қутулиб қўя қолди. Бу расмий қурук ваъдадан иборат хатда у кимларни огоҳлантиргани, уларнинг исм-шарифлари, кимлиги ҳам номаълум.

Массив территорияси ҳамон каровсиз аҳволда ётибди. Тошкент давлат маданият институти ҳовлисида ва шу институтга қарашли студентлар ётоқхонасида, 105, 106, 110, 111-уйларнинг орқа томонида ахлатлар уюлиб кетган. 112, 113-уйларнинг орқасидаги кўчанинг ўйдим-чуқур бўлиб кетган ери, паркка кираверишдаги майдонча ахлатхонага айланган. 60, 61, 62-кооператив уйларнинг олдига эса чиқиндиларни ташувчи машина мутлақо келмайди.

Қачон массив территориясида намунали тартиб ўрнатилади? Массив аҳолиси буни сабрсизлик билан кутмоқда.

Массив аҳолиси номидан:

М. АЗАМАТОВ.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

БУЮК ЭҲСОН

Ота-боболаримиз ўсимликларнинг шифобахш хусусиятларини қадим замонлардан билишган ва турли касалликларни даволашда самарали фойдаланишган. Республикамиз чўл, адир, тоғ ва яйловларида доривор ўсимликларнинг тўрт мингдан ортиқ тури ўсади. Шулардан олти юзга яқини табобатда ишлатилади. Умуман, медицинада ишлатиладиган дориларнинг эллик процентга яқини ўсимликлардан олинади ёки улардан табиий ҳолда фойдаланилади.

Доривор ўсимликларни йиғиб олиш ишига республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Ўзбекбирлашув», «Узплодоовощвинпром» муассасалари жалб қилинган. Областлар, районларнинг марказий дорихоналарида қабул пунктлари бўлиб, улар доривор ўсимликларни тайёрловчиларга ёрдам ва маслаҳатлар бериш билан шуғулланадилар. Булардан ташқари, доривор ўсимликларни маданийлаштириб етиштириш ҳам йўлга қўйилган. Бу вазифа «Узплодоовощвинпром»га қарашли «Правда» газетасининг 50 йиллиги номли совхоз, Ўзбекистон Дорихоналар бош бошқармаси қошида ташкил этилган экспериментал совхоз — «Лекраспромхоз»га юклатилган. Республика бўйича тайёрланган доривор ўсимликлар «Лекраспромхоз» совхози лабораториясида текширилгач, дорихоналарга сотиш учун чиқарилади.

Доривор ўсимликларнинг барги, гули, илдизи, пояси ва меваси йиғиб-тайёрлаш тартибларига қатъий риоя қилиш зарур. Йиғиб олинган ўсимликларни соғда очиқ ҳавода қуритиш, ҳар хил ҳидлардан ҳоли, тоза, қуруқ, жойларда сақлашнинг аҳамияти катта. Шу кунларда буймодорон, эрман, оқ қалдирмоқ, қичитқи ўт, дала чой, райҳон каби ўтларни йиғиб олиш, шунингдек бодом, ширин «қизил мия», наъматак ва бошқа ўсимликларнинг мева, поя, илдизларини йиғиб, тайёрлаш айни муддаодир. Тошкент областининг тоғли районларида, жумладан, Ҳумсон, Сижжак, Писком, Чимён, Оқтош, Чотқол, Ҳожикент қишлоқларида ва бошқа районларда юқорида кўрсатилган доривор ўсимликларнинг катта запаси бор.

Доривор ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар маҳсус лабораторияларда текширилиб, сифат ва доривор миқдори аниқлангач, врач тавсияси билан қабул қилиниши мумкин.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги Дорихоналар бош бошқармаси бошлиғи.

* * *

Шунингдек, тошкентлик И. Одилов, андижонлик А. Ваҳобов, фарғоналик С. Саҳобов, М. Сулайманов, бухоролик Л. Ғуломова, Н. Ҳусанов, хоразмлик Б. Жуманиёзов, қорақалпоғистонлик Ж. Рейимбоев, сирдарёлик М. Абдусаидов, қашқадарёлик Н. Ҳалилов, наманганлик Б. Маҳмудов, А. Сайдаҳмедов, Ж. Садриддинов, Қ. Ҳошимов, жиззахлик А. Қораевлар ҳам редакциямизга турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ВЛКСМ 60 ИЙЛЛИГИ НОМЛИ
39-ЎРТА ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979-80 ўқув йили учун
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

бульдозерчилар, скреперчилар, грейдерчи, қишлоқ қурилиши мастерлари, экскаватор машинистлари, кўчма насос станциялари учун механиклар, кенг профилли трактор ҳайдовчилар, токарлар, қурилиш дурадгорлари, автокранчилар, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, паспорт (туғилганлиги ҳақида гувоҳнома), соғлиги тўғрисида справка (286-форма), таржимаи ҳоли, 8 йиллик маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, шахсий иши учун папка.

Ўқишга 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 8-синф ҳажмида маълумотли ёшлар қабул қилинади.

Билим юртини битирувчиларга ўрта маълумот тўғрисида аттестат ва мутахассислиги бўйича диплом топширилади.

Ўқишга қабул қилинганлар ётоқ билан таъминланади. 10 сўмдан 20 сўмгача стипендия, 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош берилади.

Ўқиш даври иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Аризалар қабул қилинмоқда.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг лабораторияси ва ўқув устаҳоналари ҳозирги замон меҳнат қуроллари билан жиҳозланган. Спорт майдончалари ва спорт зали мавжуд.

Ҳунар-техника билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида ва ҳар хил техник тўгараклар ишлайди.

Каникул вақтларида республикамизнинг энг гўзал жойларида жойлашган лагерларда дам олиш мумкин.

Моҳир педагоглар ва ишлаб чиқариш мастерлари токарлик, дурадгорлик, механизаторлик, газ-электр пайвандчилик ва шоферлик мутахассисликларини эгаллашда яқиндан ёрдам беришади.

Билим юрти адреси: Жиззах область, Пахтакор район, «Пахтакор» совхози, ВЛКСМ 60 йиллиги номли 39-ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юрти.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
1979-1980 ўқув йили учун
83-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти слесарь-сантехник-газ пайвандчилар, слесарь вентиляциячилар, электр пайвандчилар, электр-газ-пайвандчилар, химия ва нефть-химия саноати ускуналарининг монтажи бўйича слесарлар, токарлар, машинист-кранчилар, темир-бетон ва пўлат конструкциялари бўйича монтажчи-электр пайвандчилар, ўтга чидамли ғиштларни терувчиларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати 1 йилдан 3 йилгача.

Билим юртига 8-10 синфни тамомлаган, 14-17 ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртида 1 йил муддат билан ўқиган ўқувчилар 3 маҳал овқат билан таъминланадилар ва 30 сўмгача стипендия оладилар ёки овқат билан таъминланмай 60 сўм стипендия олишлари мумкин.

Билим юртида 3 йил муддат билан ўқиган ўқувчиларга ўрта маълумот ва 3—4 разрядга эга бўлганлиги ҳақида диплом берилади.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош, уч маҳал иссиқ овқат ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш таълими даврида иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртини тамомлаганлар ўрта ва олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, 6 дона фотосурат (3х4 см), турар жойидан справка, характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (15, 26-автобусларнинг «Поликлиника», 7, 12, 37, 52, 68, 106-автобусларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекатлари).

БУЛУНҒУР РАЙОНИДАГИ А. Р. БЕРУНИЙ НОМЛИ
26-ЎРТА ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8-СИНФНИ БИТИРГАН ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали кадрлар тайёрлайди: МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИНГ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ (ўқиш муддати 3 йил), **ЭКСКАВАТОР МАШИНИСТЛАРИ** (3 йил), **III КЛАССЛИ ТРАКТОРЧИ-МАШИНИСТЛАР** (автослесарлар), **ТРАКТОРЧИ — МАШИНИСТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СЛЕСАРЛАР** (3 йил).

Билим юртига кириб 3 йил ўқиган талабалар: мутахассислик бўйича гувоҳнома, ўрта маълумот ҳақида аттестат ва хоҳловчилар III класс шоферлик гувоҳномасини олиб чиқадилар.

Билим юртини 75 процент «аъло» баҳо билан битирганлар имтиёзли аттестат ва диплом оладилар ҳамда икки йил ишлаб бериш муддатини ўтамасдан олий ўқув юртига кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Билим юртига қабул қилинганлар ётоқхона, ҳар куни уч марта иссиқ овқат, кийим-кечак ва стипендия билан таъминланадилар. Практика даврида ўқувчиларга ишлаган ҳақлари 100 процент нақд тўланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, 4 дона 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, харбий хизматга чақирилувчиларнинг гувоҳномаси, оилавий аҳволи тўғрисида справка, соғлиги ҳақидаги справка (286-форма).

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртининг адреси: Самарқанд область, Булунғур район, Красногвардейск шаҳри, ВЛКСМ 30 йиллиги кўчаси, 105-уй.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
1980 ЙИЛ УЧУН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ШУНИНГДЕК, РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ПРОГРАММАСИГА ИДОРАЛАРДАН
ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обунага заявкалар «Союзпечать» агентликларида 1 сентябргача расмийлаштирилади.

1 сентябрдан кейин заявкалар қабул қилинмайди.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/VIII да **Чио-Чио-Сан**, 22/VIII да **Севги ҳақида афсона.**

Тошкент давлат университети амалий математика ва механика факультети коллективи ассистент Т. Қодировга отаси

Тожибой Кодирович ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Время». 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.30 — Фильм-спектакль. 13.05 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.10 «Поэзия». 16.55 — «Раймонда». Балетга ёзилган куй. 17.15 — «Революция маршали». Бадиий фильм, 1-серия. 18.20 — Ёшлар адреси. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Опера билан учрашув». 21.30 — «Время». 22.05 — Сартарошларнинг халқаро конкурси голиблари билан учрашув. 23.10 — Концерт. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Мультфильм. 11.50 — «Пўлат қандай тобланди». Бадиий фильм, 1-серия. 12.55 — Фильм-концерт. 13.25 — «Матонатли кишилар». Бадиий фильм, 1-серия. 18.20 — Мультфильм. 18.30 «Ёш куч». 19.00 — «Турмуш ва маданият». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Пахта теримига ҳамма нарса шайми?» 22.20 — «Матонатли кишилар». Бадиий фильм, 2-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Болалар учун фильм. 18.50 — Қизиқарли математика. 19.20 — Фильм-концерт. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «12 стул». Телеспектакль, 1-қисм. 21.20 — Ҳужжатли фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Ёш овозлар». Концерт. 9.30 Самарқанд область театри артистлари ижро этади. 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Чорвачилик комплекслари — давр талаби». 13.30 — Концерт. 14.00 — «Аъло навли оқ олтин учун». 18.50 — «Ёшлик». 19.15 — Халқаро кундалик. 19.30 — Ўзбек халқ куйлари. 20.25 — Фонотекамиз хазинасидан. 20.50 — «Сионистлар ким?» Суҳбат. 21.00 — Шеърият кечаси. 21.20 — Концерт. 22.28 — Нодира лирикаси. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000. Тошкент—П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45 32-53-04 редактор ўринбосарлари — 33-79-14 32-53-05 33-06-83, 32-55-04 масъул секретарь — 33-44-55 32-55-05 секретариат — 33-72-83 32-53-06; БЎЛИМЛАР партия турмуши — 33-84-69 32-53-97, 32-57-19 марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18 саноат транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18 32-53-20, 32-53-21 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03080. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 191.